

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Динamo

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

№ 93 — 94

(2630—2631)

1993 йил

26 НОЯБРЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА

Унутилмас учрашув бўлди

1993 йил ноябрь ойида Ўзбекистон ИИВ Олий ҳарбий-техника билим юртида "Динамо" жамиятининг турли авлодларга мансуб аъзолари учрашди.

Ҳавага булут чиқиб, шаррос ёмғир қуйиб берган бўлса-да узоқ вақтдан буён тайёргарлик кўриб келинаётган тантана кўнгилдагидек ўтди. Турли авлодларга мансуб спортчилар, тренерлар, физкультурчиларнинг вакиллари тўпланган учрашувда ҳукм сурган самимият, хайрихоҳлик муҳитини ҳисоботларга хос бўлган қуруққина "тадбир" сўзи билан алмаштириш мумкин эмасди. Бу ерга йиғилган спортчиларни муштарак бўлган ягона хусусият бирлаштириб турар эди — уларнинг ҳаммаси "Динамо" физкультура-спорт жамиятининг аъзолари эдилар. Учрашув Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент Олий ҳарбий-техника билим юрти базасида ўтди, уни ўтказиш учун кенг миқёсда тайёргарлик кўрилди.

Мажлислар хонасининг фойсидида оркестр куйлари янграб турди. Бу ерга аста-секин урушда олган мукофотларини тақиб олган фахрийлар, аксарияти ҳали ҳам спорт майдонини тарк этмаган таниқли спортчилар, моҳир тренерлар йиғила бошладилар. Мезбонлар билим юртининг талаба ва ўқитувчилари ҳам шу ерда эдилар.

Учрашувнинг тантанали қисми ташкилотчилар томонидан пухта ўйланган эди, у мароқли ва уюшқоқлик билан ўтди. Ўзбекистон Республикаси ва "Динамо" физкультура-спорт жамиятининг байроқлари саҳнага олиб чиқилди, республика Мадҳияси янгради. Сўнгра айни вақтда "Динамо" жамиятининг раиси бўлган республика ички ишлар вазирини, ички хизмат генерал-лейтенанти З. Алматовнинг жамият фахрийлари, спортчилари ва тренерларига йўллаган табрик хати ўқиб берилди. Республика ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Ҳайдаров ва республика Спорт қўмитаси раисининг ўринбосари К. Юсупов йиғилганларни ана шу ажойиб учрашув ҳамда Милиция кўни билан табрикладилар.

"Динамо" жамияти раисининг ўринбосари, ички хизмат подполковниги А. Вахруров спорт жамиятининг тарихи, бугунги кўни ва бой анъаналари ҳақида сўзлади.

Республикада "Динамо" жамияти олис 1925 йилда ташкил этилган эди. Йиғирманчи йиллар охирида Тошкентда ўқ оғиш тири, сўнгра спорт зали, Бўзсув бўйида эса сув базаси очилди. Самарқанд, Андижон, Қўқонда спорт иншоотлари қурила бошланди. 1934 йилда ўтказилган дастлабки Ўрта Осиё спартакиададаёқ кўнлаб динамочилар нишондор бўлишди.

Урушдан олдинги йилларда ҳарбий-техника ихтисосликларини эгаллашга катта эътибор берилди. Республика динамочилари ҳам авто ва мотоспорт, авиация, парашют ва мерганлик спортини

ривожлантириш ҳаракатини кенг авж олдирилди.

Улуг Ватан уруши даврида ҳамма нарса Ватанни ҳимоя қилишга қаратилди. Тошкентнинг ўзидагина қўл жанги, самбо кураши, мерганлик спортини ўргатувчи элликдан ортиқ гуруҳлар ташкил этилди.

Урушдан сўнг спортни кенг ривожлантириш йўлидан борилди. 1946 йилдаёқ динамочилардан 15 спорт устаси тайёрланди. Моҳир тренерлар Ю. Матулевич, В. Курлянд, С. Лакизалар раҳбарлигида бокс бўйича СССР, Европа ва Олимпия ўйинлари чемпиони В. Поненченко, кураш бўйича СССР, Европа ва дунё чемпиони Г. Памарник тарбияланди. Кейинчалик улар сафига С. Дамидов, Э. Саъдий, Р. Рискеев, М. Хадарцев, С. Ҳодиев, С. Қурбонов, Ш. Загреддинов, Э. Абдурахмонов, Р. Резванов, К. Фаткулин сингари чемпионлар келиб қўшилдилар. Спортчиларни тарбиялашга хизмат кўрсатган тренерлар Г. Калеткин, В. Майоров, Г. Багировлар катта ҳисса қўшдилар.

Бугунги кунда аҳвол қандай? Ҳозир "Динамо" жамияти — республикадаги ўзининг фаолият кўрсатиши учун давлат бюджетидан ёрдам пули олмайдиган ягона спорт ташкилотидир. Жамиятнинг ўз ишлаб чиқариш қорхоналари фаолиятидан олинган фойда ҳисобига "Динамо" маблағ билан таъминланмоқда. Бу билан "Динамо" жамияти шу тариқа ўзи ишлаб топган маблағ ҳисобига ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларининг жисмоний ва махсус тайёргарлигини такомиллаштириш, улар оила аъзоларининг соғлом дам олишини уюштириш ва юқори даражадаги спортчиларни тайёрлаш бўйича кўп қиррали фаолият кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Нуфузли учрашув иштирокчиларига

Азиз ҳамкасблар, "Динамо" физкультура-спорт жамиятининг фахрийлари, тренерлари ва спортчилари! Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ҳақли равишда жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнини эгаллади. Давлатларнинг барчасида спорт халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва бир-бирларини тушуниш элчиси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Сизлар ва сиз тарбиялаган спортчилар ўзбек спортининг муносиб вакиллари сифатида ўз ютуқларини билан навқирон мустақил республикамизнинг халқаро майдондаги обрўсини мустаҳкамламоқдасиз.

"Динамо"нинг 70 йиллик тарихи давомида шонли спорт анъаналарига асос солинди, номи дунёга таралган спортчилар ва тренерлар ўзларининг бутун тажриба ва истеъодларини ўзбек спортининг гуллаб-яшнаши учун сарфламоқдалар.

Биз республикамиз байроғини ер юзининг турли минтақаларида бир неча маротаба кўтарган чемпионларимиз, жаҳон даражасидаги моҳир спортчиларимиз билан, ички ишлар ва хавфсизлик идораларида хизматни муносиб давом эттираётган физкультура ва спорт фахрийлари билан фахрланамиз.

Ана шу тантанали кунда менга Сизларни байрам билан табриклашга, олижаноб ишларингизда муваффақиятлар, қариндош ва яқин кишиларингизга бахт-саодат, сиҳат-саломатлик, улуг Ватанимиз — Ўзбекистон Республикасининг гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона ишлашни тилашга руҳсат бергай сиз.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирини, ички хизмат генерал-лейтенанти, "Динамо" физкультура-спорт жамиятининг раиси
З. АЛМАТОВ.

1993 йил 12 ноябрь.

"Динамо" физкультура-спорт жамияти фахрийлари, спортчи ва тренерларининг Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари, Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, спортчиларга

МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ўртоқлар!

Бугунги кунда мустақилликка эришган Ўзбекистон инсонпарварлик, миллати, диний эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш принципларига асосланган ўз давлатини қурмоқда.

Президент И. А. Каримов раҳбарлигида республика ҳукумати, ўтиш даврининг қийинчиликларига қарамай, миллатнинг соғлом бўлишига катта эътибор бермоқда. Президент айтганидек, ўз сиҳат-саломатлиги тўғрисида шахсан ғамхўрлик кўрсатиш маданиятини оила, мактаб, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт тизимининг барча кучлари воситасида жуда ёшлиқдан синдиришга ёрдам бериш лозим. Энг муҳими, кишилар ўз соғлиқлари ҳақида сўзда эмас, амалда ғамхўрлик қилишсин, уни миллий бойлик деб билишсин. Президентнинг Фармони билан "Соғлом арлод учун" ордени таъсис этилди, янги-янги спорт иншоотлари қуриб,

ишга туширилмоқда.

Ўзбекистон "Динамо" физкультура-спорт жамияти ҳам асосий вазифадан — соғлом авлодни тарбиялашдан четда турмаяпти. Республиканинг спорт ташкилоти минг-минглаб спортчиларга ва физкультура билан шугулланувчиларга эга. Турли ёш ва касбларга мансуб кишилар жамиятнинг спорт секцияларида ўз саломатликларини мустаҳкамламоқдалар. Уларнинг чемпион бўлишлари шарт эмас, лекин уларнинг саломат бўлиши, яхши кайфиятдалиги, ўзига ишониши ва умидбахшлиги, физкультура ва спорт тарбияладиган ҳамма нарса айни "Динамо"нинг умумдавлат дастурига қўшадиган ҳиссасидир.

Хизмат бурчи бўйича ҳуқуқ-тартибот, фуқароларимизнинг осойишталиги ва хавфсизлигини қўриқлаётган кишиларни ҳам ана шу спорт жамияти чиниқтирган. Жангчилик хусусиятлари, ирода, қатъият ва албатта, ҳар томонлама жисмоний ва махсус тайёргарликни ривожлантириш — бугунги кунда ички ишлар

идоралари ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари тарбияланаётган пойдевордир.

"Динамо"да анъаналар авайланмоқда ва кўпайтирилмоқда, авлодлар алоқаси мустаҳкамланмоқда, ёшлар ҳам, фахрийлар ҳам ўз кучлари, билим ва тажрибаларини мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун бағишлашга тайёрлар.

Бугунги кунда биз Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари, Миллий хавфсизлик хизматининг барча ходимларини, спортчиларини ўз куч-ғайратларини янада сифатли, жисмоний ва махсус тайёргарлик кўришга, спорт маҳорати сирларини эгаллашга йўналтиришга чақирамиз, токи улар ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишга оид ўз хизмат вазифаларини самарадорлик билан бажара олсинлар ва спортдаги юксак муваффақиятлари билан навқирон мустақил давлатимизнинг халқаро обрўсини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшсинлар.

А. Ю. БАГДАСАРОВ — дзюдо бўйича Европа биринчилигининг кумуш медали соҳибдори. Ўзбекистон Республикаси терма жамоасининг аъзоси, халқаро даражадаги спорт устаси, ички хизмат лейтенанти.

Ю. Г. БУДАГОВ — Ўзбекистон "Динамо" Кенгашининг собик раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, истеъфодаги ички хизмат полковниги.

Б. А. ГРАНАТКИН — бокс бўйича СССРда хизмат кўрсатган тренер, истеъфодаги ички хизмат полковниги.

Т. К. ГУЛОМОВ — бокс бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер, фахрий динамочи, заҳирадаги майор.

Г. А. ДАШЕВСКИЙ — "Динамо" теннис клубининг президенти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер.

Ш. К. ЗАГРЕТДИНОВ — жаҳон велосипед пойгасининг уч марта голиби, СССРда хизмат кўрсатган спорт устаси, ички хизмат майори.

М. И. КОЛЮШЕВ — жаҳоннинг икки марта чемпиони, велосипед спорти бўйича жаҳон рекордчиси, СССРда хизмат кўрсатган спорт устаси, милиция подполковниги.

Р. М. КИМ — самбо бўйича жаҳон чемпиони, Ўзбекистон республика терма жамоасининг аъзоси, кичик сержант.

Р. А. МУҲАМАДЁРОВ — стенда миль мерганлик бўйича полициячилар ўртасида жаҳон биринчилигининг голиби, спорт устаси, милиция майори.

Д. М. ПАРМОНОВ — самбо бўйича жаҳон чемпиони, Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси, кичик сержант.

Ф. М. РОДИОНОВ — Ўзбекистон Республикаси ИИВ Олий мактаби жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедрасининг катта ўқитувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер, ички хизмат полковниги.

С. И. ҲОДИЕВ — самбо бўйича жаҳоннинг икки марта чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт устаси.

Унутилмас учрашув бўлди

(Боши 1-бетда)

“Динамо” жамиятида ҳозир 13 вилоят ва республика ташкилоти, 22 физкультура жамияти бор, унда спортнинг 12 тури бўйича 142 секция иш олиб бормоқда. “Ёш динамочилар” секцияларида уч мингдан ортиқ ўсмир шугулланмоқда, бу ерда катта

вилоятларида замонавий спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди, туман ички ишлар бўлимларида спорт объектларини қуриш авж олдирилди.

Учрашувда сўзга чиққан республика ИИБ Жиноят-қидирув бош бошқармасининг раҳбар ходими, илгари донги чиққан

Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари А. Фелистовичнинг сўзлари катта қизиқиш билан тингланди. У яқин вақт ичида икки қўшни республиканинг “Динамо” ташкилотлари бир-бирлари билан янада яқиндан алоқа ўрнатадилар, бу эса жиноятчиларга қарши курашда катта самара берадиган ички ишлар ходимларини жисмоний тарбиялаш тажрибаси билан айирбошлаш имконини беради, деб ишонч билдирди.



Ўзбекистонда “Динамо” спорт ҳаракатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган фахрийлар, тренер ва спортчилар тантанали вазиятда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг бадиий ҳаваскорлари ўз санъатларини маҳорат билан намоиш этдилар. Уларнинг чиқишлари қарсақлар билан бўлиниб турди.

Албатта, “Динамо” жамияти қўл жанги бўйича махсус ва жисмоний тайёргарлик маркази жамоаси ва билим юрти талабалари махсус бўлинмасининг спорт залидаги чиқишлари ҳамманинг чинакам завқ-шавқига сабаб бўлди. Спортчилар жанговар яккама-якка курашларнинг барча усулларини намоиш этдилар. Томошабинлар таёқ, совуқ қурол ва ўқотар қуролни қўллаган ҳолда жанговар машқларни, турли воситалар билан қуролланган муҳолифнинг ҳужумларидан ҳимояланиш вариантлари, қуролсизлантириш усуллари ва ҳоказоларни кўргазмалли томоша қилиш имкониятига эга бўлдилар. Гоятда маҳорат билан кўрсатилган усуллар ҳеч кимни лоқайд қолдирмади. Оёқ ва қўллар билан тахта, гиштларнинг синдирилиши ҳаммани қўйил қолдирди, бу нарсаси спортчилар гоятда жиддий махсус тайёргарлик кўрганидан далолат беради.

Учрашув шунинг яққол кўрсатдики, “Динамо” жамияти, матлум қийинчиликларга қарамай, олға қараб бормоқда, жамиятнинг жойлардаги ташкилотлари, физкультура жамоалари бир мақсадни қўлаб ишламоқда, ўз фаолиятида фахрийларнинг тажрибасидан ҳам, ёшларнинг гайрат-шижоатидан ҳам унумли фойдаланмоқда. Ички ишлар идоралари ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш, физкультура ва спортда юқори ютуқларга эришишнинг гарови ҳам ана шунда.

А. СТЕПАНОВ.



СУРАТЛАРДА:

1. Тантанали сафда Ўзбекистон Республикаси ва “Динамо” жамиятининг байроқларини кўтарган Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртининг талабалари (1-бетдаги сурат).

2. Республика ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Р. Ҳайдаров самбо кураши бўйича икки марта жаҳон чемпиони С. Ҳодиевни эсдалик нишони билан мукофотламоқда.

3. Улуғ Ватан уруши фахрийлари (чапдан ўнгга) С. Федотов “Динамо”да 46 йил, А. Докучаев эса 38 йил фаолият кўрсатишган. Докучаев ҳозир ҳам Марказий спорт мажмуида ишлайди.

4. (Чапдан ўнгга) Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Олий мактаби жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедрасининг катта ўқитувчиси, ички хизмат полковниги Ф. Родионов ва СССРда хизмат кўрсатган тренер, истеъфодаги ички хизмат полковниги Б. Гранаткин.

5. Бир дақиқадан сўнг тахта қудратли зарбдан майдаланиб кетади. Билим юртининг талабалари ўз маҳоратларини намоиш этмоқдалар.

В. БАГАЕВ олган суратлар.



оталиқ иши олиб борилмоқда.

Шу йилнинг ўзидагина Ўзбекистон динамочилари республика биринчиликларида 60 маротабадан ортиқ биринчи ўринларни эгалладилар. Спорт турлари бўйича жаҳон биринчиликларида 5 та биринчи, 8 та иккинчи ва 7 та учинчи ўринлар эгалланди. Чемпионлар орасида Р. Ким, Д. Пармонов, С. Жўраев, Р. Исмоилов, Т. Урусовлар бор.

Жамиятнинг моддий-техника базаси ҳам мустаҳкамланиб бормоқда. Тошкентдаги Марказий спорт мажмуи тубдан таъмирланди, соғлиқни тиклаш-тиббий маркази қурилмоқда. Қашқадарё, Бухоро ва Хоразм

велосипедчи бўлган М. Колюшев, узоқ вақт “Динамо” республика Кенгаши раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган Ю. Будаговлар ўз хотираларини сўзлаб бердилар.

Таниқли динамочиларнинг кўплари ҳозирда ички ишлар идораларида ишлаётгани таъкидланди. Учрашувда қатнашган милиция майорлари —

Олмалик шаҳар ИИБ бошлиғи М. Мирзаев, Чилонзор туман ИИБ ЖКБ катта тезкор вакили С. Гогнадзе, “Динамо” жамиятининг масъул ходими Р. Муҳаммадёроевлар илгари йирик мусобақаларда кўп маротаба совриндор бўлишган.

Учрашув меҳмони, Қозғистон

ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

Андижон вилояти ички ишлар ходимлари томонидан Андижон савдо бошқармасига қарашли 12-дўкон текширув натижалари дўкон мўлажираси М. Бўронованинг сирини фаш этди. Чунки мудири дўкондаги 16 миллион 481.564 сўмлик молларни (сигарет, ароқ, шампан виносини) “қора кун”га асраб қўйган экан.

Энг ёмон саналадиган касалликлардан бири — “фақат ўзим бўлай” касаллиги

Оқдарё туманилик К. Тиллаевнинг ҳам оромини ўғирлабди. У шу тумандаги нон комбинатида омбор мудири вазифасида ишлайди. Тиллаевнинг “дарди” хуруж қилиб, икки миллион 35 минг сўмлик уч тоннаю 700 кило шакарни омбор қолиб, Айний кўчасида яшовчи танишиникига туширди... ва ўзи ҳам чув тушди. Энди эса қилмиши учун жавоб беришига тўғри келади.

Москвага йўл олган Богот туманилик Б. Искандаров ва

Р. Рўзметовлар Питнак темир йўл бекатида гиёҳванд модда — наша билан қўлга тушдилар. Икковлон нашани қандай қўлга туширганларини эса терговда айтиб берадилар.

Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги Марксизм номли жамоа хўжалиғи ёқилғи омбори мудири У. Ҳайдаров икки минг 200 литр бензинни сотиб юборди ва ўрнига ўрин бошига бало сотиб олди. Омбор чиғирикдан ўтказилди ва бир миллион 72 минг сўмлик 11 тонна ортиқча дизель ёқилғиси

борлиғи аниқланди.

Паркент туманидаги Тошкент кабель заводида қарашли ёрдамчи хўжалик ишчиси, Т. Аширов хўжаликка қарашли иккита отни бир миллион сўмга сотиб юборганлигини ички ишлар ходимлари аниқлашди. Эндиликда Аширов терговга пиёда қатнаб юрибди.

Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон тумани матлубот жамиятининг таъминотчиси Т. Каримов Шўрчи туманлараро базасидан 35 миллион сўмлик турли саноат молларини олиб,

ҳисобот хужжатларидан ўтказмасдан, уйга яшириб қўйди. Аммо кўп ўтмай даромадни қўзлаган Каримовнинг боши буромадга бориб урилди.

1961-1992 йилларда чиқарилган беш миллион 300 минг рублни Ўзбекистонга олиб келган тожикистонлик Ф. Абдуллаев Қарши темир йўл бекатида ушланди. Ушбу факт юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ботир ЗИЁЕВ,
Республика ИИБ матбуот
маркази катта нозир, милиция
майори.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Яқинда Тошкентдаги Т.Н.Кори-Ниезий номидаги Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида республика халқ таълими тизими муассасаларидаги тажриба-синов ишларининг самарадорлигини оширишга бағишланган илмий-амалий кенгаш бўлиб ўтди.

Анжуманни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ж.Ғ.Иўлдошев кириш сўзи билан очди.

Кенгашда ўнга яқин долзарб масалалар қўриб чиқилиб, атрофлича муҳокама қилинди.

Шунингдек, "Вояга етмаган болалар орасидаги қонунбузарлиқнинг олдини олиш ва

уни тузатиш" шўъбасининг ҳисоботи тингланди. Ҳисоботдан сўнг "Мактабда ва мактабдан ташқари ҳудудларда вояга етмаган болалар қонунбузарлигининг олдини олиш жараёнини ташкил қилиш" мавзусида давра суҳбати бўлди.

Унда ички ишлар идораларида ҳисобда турган ўсмирлар билан алоҳида иш олиб бориш, вояга етмаган болалар қонунбузарлигининг олдини олишда ахлоқий-ҳуқуқий тарбиянинг ўрни ва аҳамияти каби бир неча масалалар ўртага ташланиб, муҳокама этилди.

Муҳокамада Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги жиноятнинг олдини олиш хизмати

бошқармасининг бўлим бошлиғи муовини, милиция подполковниги Х. Аҳмедов, Тошкент шаҳар ИИББга қарашли қаровсиз қолган болалар қабулхонаси бошлиғининг ўринбосари Ф. Отабоев ва Тошкент шаҳар 1-наркологию касалхонаси шифокор-наркологи Р. Концелидзелар сўзга чиқиб, ўзлари олиб бораётган ишлари тўғрисида ва унда дуч келинаётган муаммолар ҳақида тўхталдилар.

Илмий-амалий анжуманда асосий эътибор ёшларнинг, айниқса, ўсмирларнинг яшаб турган жойларида таълим-тарбия ва ҳуқуқ-тарғибот ишларини кучайтириш, қонунбузарликларнинг олдини олишга қаратилди.

Кенгаш сўнгида яқуний масалалар қўриб чиқилди.

А. АБДУРАҲМОНОВ.

ЖАМОАТЧИЛИК ҲАМ ЧЕТДА ТУРМАСЛИГИ КЕРАК

Штатсиз мухбиримизнинг саволларига Самарқанд вилояти ҳокимлиги ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги У. Тўлаев жавоб беради.

— Шу йилнинг тўққиз ойи ичида вилоятда содир этилган жиноятларнинг умумий сони 8 фоиз ошган. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз?

— Жиноятларнинг умумий даражаси Пахтачи, Тойлоқ туманлари, Каттақўрғон ва Самарқанд шаҳарларида ўсган. Жамоат интизомининг пасайганлиги, ахлоқий барқарорликка путур етганлиги оқибатида қотиллик, оғир тан жароҳати етказиш ва безорилик сингари жиноий хатти-ҳаракатлар анча кўпайди. Хонадон ўғирликлари ва мол ўғирлашлар сони камаймаяпти. Бундай ахволнинг сабаблари яхши маълум. Иқтисодий бўҳрон юзага келтирган қийинчиликлар, озиқ-овқат ва истеъмол моллари тақчиллиги, ишсизлик ана шундай ахволни юзага келтирди.

Бундай ҳолдан фойдаланган айрим кишилар жиноят қилиш йўлига кирмоқдалар, бошқа кишилар ҳисобига бойлик орттирмоқдалар. Бирок улар жиноятлари учун эртами-кечми қонун олдида жавоб беришларига тўғри келишини ҳисобга олмаяптилар. Жиноятларни очиш 78,3 фоизни ташкил этди, ўтган йилнинг шу даврида у 75,8 фоиз бўлган эди. Бундан ташқари, шунинг унутмаслик керакки, иқтисодий жиноятларга ва гиёҳвандлик моддалари бизнесига қарши самарали кураш олиб борилиши умуман ҳисоботларда жиноятларнинг ўсишига сабаб бўлган. Аслида эса бу — бизнинг муваффақиятимиз.

Вилоят ички ишлар идораларининг ходимлари фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оқсоқчилигини таъминлаш, барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаш учун мавжуд куч ва воситаларнинг ҳаммасидан фойдаланган ҳолда жиддий чоралар кўрмоқдалар. Бирок жамоатчилик ҳам бундан четда турмаслиги керак. Юзага келган вазиятда меҳнат жамоалари ва маҳалла кўмиталарининг тарбиявий ишга қўшаётган ҳиссалари ошмоқда. Жиноятларнинг олдини олишга эътибор кучаймоқда.

Вилоят ички ишлар идоралари томонидан шу йил очилган ўғирликлар ўтган йилнинг шу даври билан таққослаганда 15,7 фоиз кўп бўлди, шу жумладан йирик ва алоҳида йирик ўғирликлар 3,5 баравар кўп очилди. Чунончи, апрелда "Среднегазпром" трести 8-сонли ишчилар таъминоти бўлими ва Самарқанддаги 5-сонли ун комбинатининг раҳбар ходимларидан иборат жиноий гуруҳ фош этилди. Гуруҳда олти киши бўлиб, улар ун

ўғирлаш билан шугулланганлар. Тинтув чоғида улардан 10 тоннадан кўпроқ ун мусодара қилинди.

Май ойида Челақ туман матлубот жамиятининг раиси Х. Отамуродов бошчилик қилган 13 кишилик жиноий гуруҳ фош этилди. Улар аҳолига сотиш учун мўлжалланган шакар, асал, гуруч, пахта еғи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ўғирлаб келганлар. Гуруҳ давлатга 3,5 миллион сўмликка яқин моддий зарар етказган.

Бундай мисоллар оз эмас. Фош этилган ўғирлар вилоятнинг халқ хўжалигига 48 миллион сўмлик зарар етказишган. Ҳозирги кунга қадар улар зарарнинг 42 миллион сўминини тўладилар.

Ходимларимиз муаммонинг кескинлигини яхши тушунадилар. Халқ ҳисобига бойлик орттиратган бундай "ишбилармон"ларга қарши курашни кучайтираверамиз.

Илгари жиноят қилган шахсларга, қонунни бузиш йўлига ўтган ёшларга, еш авлодга ёмон ўрнак бўлаётган ота-оналарга таъсир кўрсатишнинг олдини олиш-профилактика чораларига жиддий эътибор берилмоқда. Бундай фуқаролар милиция ходимларининг доимий назорати остида турибди.

Тезкор вазиятга "тастролчилар" — бошқа республикалардан келган жиноятчилар ҳам ноҳуш таъсир кўрсатмоқдалар. Биз бундай кишилар учун паспорт тартибини кучайтирдик, меҳмонхоналарни, бундай кишиларни елловчи корхоналар ва ширкатларни доимий назорат остига олдик, қонунда белгиланган чораларни кўришимиз. Бунда ҳам бизга меҳнаткашларнинг ердами зарур. Улардан ички ишлар идораларининг эътибори талаб қилнайдиган, шубҳали кишилар ҳақида хабар беришларини сўраймиз, токи жиноятларнинг олдини олишга улгурайлик. Бунда, зарур ҳолларда, хабар берувчининг қимлиги маълум этилмаслиги ҳақида қафолат берамиз.

— Ички ишлар идораларининг моддий-техника таъминоти қандай аҳволда, бу йўналишда қандай муаммоларни ҳал этишга муваффақ бўлдингиз?

— Республика ва Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти бизнинг техникага, унинг эҳтиёт қисмлари, ёнилғи-мойлаш материаллари, махсус воситалар, формали кийим ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжimizни қондириш учун ҳаракат қилмоқда.

Албатта, муаммолар оз эмас. Лекин ўзимиз ҳам техника воситаларимизнинг "умрини узайтириш" учун ҳаракат этмоқдамиз, улардан авайлаб фойдаланишни талаб қилмоқдамиз, маҳаллий савдо ва

тижорат тузилмалари билан техникавий таъминот масаласида алоқа ўрнатмоқдамиз. "Хлопкопром" трести, Самарқанд кимё заводи сингари бир қатор йирик саноат корхоналари бизга ўзларидати компьютер техникасини бепул бердилар. Фурсатдан фойдаланиб, ана шу корхоналарнинг раҳбарлари ва меҳнат жамоаларига, шунингдек милиция идоралари учун маблағ ажратаётган вилоят шаҳарлари ва туманларининг ҳокимларига чин қалбдан ташаккур айтмоқчиман.

— Ҳозир чайқовчини очик савдо қиладиган тадбиркорлардан фарқлаш деярли мумкин эмас. Иқтисодий жиноятларга қарши кураш бошқармасининг ходимлари бу борада қандай ишларни амалга оширмоқдалар?

— Бундай вазиятни маълум даражада бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари билан изоҳлаш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, ҳозир тадбиркорлар шу қадар кўпайиб кетдики, нафақат ўзининг, балки жамиятнинг ҳам фаровонлиги тўғрисида ўйлайдиган чинакам ишбилармон кишини ашаддий чайқовчидан фарқлаш осон эмас. Тўғрисиини айтганда, ўтиш даврининг ҳуқуқий базаси ҳам ҳаётдан бир қадар орқада қолган. Чайқовчилар эса бундай вазиятдан усталик билан фойдаланишмоқда. Лекин мавжуд ҳуқуқий меъёрлар ҳам бу хил жиноятларга қарши курашиш учун имкон беради.

Истеъмол бозорида нарх белгилашга салбий таъсир кўрсатган 174 йирик чайқовчи фош қилинди. Улар орасида тадбиркорлик фаолиятини никоҳ қилиб, очикдан-очик чайқовчилик билан шугулланган кишилар ҳам бор. Чунончи, июлда "Спарта" ширкатининг раиси А. Газаров жиноий жавобгарликка тортилди. У давлат дўконларидан 1200 флакон "Глория" шампунининг ҳар бир донасини 130 сўмдан сотиб олиб, уни 180 сўмдан пуллаган, бундай гайриқонуний йўл билан у жами 336 минг сўмлик фойда олган.

Чайқовчилардан ўн ой ичида 7 миллион 800 минг сўм ва жами 8,5 миллион сўмлик мол ҳамда моддий бойлик мусодара қилинди.

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш олиб борадиган ички ишлар идораларининг ходимлари ўз фаолиятларини жонлантирдилар. Албатта, улар ишида камчиликлар ҳам учрайди, лекин уларни бартараф этиш учун ўз вақтида чора кўришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Суҳбатдош: Ш. МУҲИДДИНОВ.

БИР ЧИМДИМ ТУПРОК ҲАМ ҒАҒИРИШИ МУМКИН

АГАР У ЭКСПЕРТ-КРИМИНАЛИСТ ҚЎЛИГА ТУШСА

Жиноятчиликка қарши кураш ишини яхшилаш ва такомиллаштириш мақсадида 1958 йилда Тошкент суд-экспертизаси илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Ушбунинг давоми бўлиб, ички ишлар идораларида эксперт-криминалистика бўлимлари ташкил топа бошлади. Шу жумладан, Тошкент вилоятида бу ишга 1968 йилда асос солинди. Ўша даврда вилоят бўйича бу соҳада бир неча ходим ишларди, холос.

Ҳозирги даврда вилоят эксперт-криминалистика бўлими етук кадрлар билан таъминланган, мураккаб техник асбоблар билан жиҳозланган. Эксперт-криминалистика бўлими ходимлари деярли барча содир бўлган жиноятлар жойига биринчилар қатори етиб борадилар ва ҳолатни синчиклаб кўздан кечирадилар. Улар иш-тироқида жиноят содир этилган жойларда бармоқ излари, микрозаррачалар ва бошқа ашёвий далиллар олинадилар ва улар юзасидан тадқиқотлар ўтказилиб, қатъий хулосалар берилади. Тергов бўлимларида ҳаракатда бўлган жиноий ишларнинг кўп қисмида эксперт хулосаларига мурожаат этилади, яъни инсон тақдирини ҳал этишда, мураккаб жиноятларни фош этишда эксперт-криминалистларнинг тутган ўрни жуда каттадир. Шу туфайли бу хизмат ходимлари юксак масъулиятни сезган ҳолда ўз ишларини амалга оширадилар.

1992 йил 3 июлда ҳукуматимиз қабул қилган Қарор асосида Ўзбекистон Жиноят Кодексида видео ва овоз ёзувларининг эндиликда далилий ашё сифатида қўлланишининг жиноятчиликка қарши курашда аҳамияти катта бўлди. Бу борада вилоят эксперт-криминалистика бўлими томонидан катта ишлар амалга оширилди. Бўлим замонавий видео ва овоз ёзиш воситалари билан қуролланди. Ушбу асбоблар ёрдамида сўроқ жараёнида амалга ошириладиган иқдор протоколларини, жиноят жойини қайта тиклаш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишда кенг фойдаланилади. Бу ёзувлар суд идораларига далилий ашё сифатида тақдим этилади. Бундан ташқари, жиноятчиликка қарши олиб бориладиган курашни оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот қилиш учун ҳам бу ёзувлардан кенг фойдаланилади. Бир неча йилдирки, Республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан "Қорадори" тадбири ўтказилиб боришмоқда. Бу ишларда вилоят криминалистлари бевосита қатнашиб келмоқдалар. Ундаги кимевий экспертизалар бўлимида тадбирни ўтказиш даврида фуқаролардан мусодара қилинган гиёҳвандлик моддалари бўйича тез ва сифатли тадқиқотлар ўтказилади ва хулосалар берилади. Фақатгина 1993 йилнинг ўн ойи давомида гиёҳвандлик

моддалари бўйича берилган 353 та хулоса асосида 342 та шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Тошкент туманида 1984 йили туманлараро эксперт-криминалистика бўлими тузилди. Бу бўлим ходимларининг самарали меҳнати ҳамда Бошқарма раҳбариятининг ердами туфайли у вилоятдаги эксперт-криминалистика кадрларининг ягона ўқув марказига айланиб қолди. Унда суд экспертизаларининг деярли барча турлари бажарилади ҳамда вилоятда ягона бўлган иш — мурданинг қалла суяги орқали унинг ташқи қиёфасини тиклаш ишлари амалга оширилмоқда.

Вилоят ҳудуди қўшни Қозоғистон, Тожикистон ерлари билан туташ. Шу сабабли бу давлатларнинг ички ишлар идоралари билан яқин ҳамкорлик муносабатлари олиб бориляпти. Бунда мавжуд бўлган бармоқ излари картотекаси хизматларидан фойдаланиш учун қўшни давлат идораларидан ҳам талабномалар келади.

Эксперт-криминалистика бўлими қошида автотехник экспертизаларни бажариш йўлга қўйилган. Бундай турдаги хулосаларга катта зарурият туғилмоқда. Чунки вилоятда йўл-транспорт ҳодисалари кўплаб содир бўлмоқда. Бу ҳодисаларни содир этган шахс айбдорлигини аниқлашда автотехник экспертиза хулосасига асосланади. Бу ишлар Х. Сулаймонова номидаги республика Суд экспертизаси институти ёрдамида амалга оширилади, улардан мутахассислар тақлиф этилади, услубий ёрдам олинадилар.

Айни кезларда вилоятда жиноятчиликка қарши кураш анча жадаллаштирилган. Айниқса, унинг уюшган турига нисбатан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларимиз натижасини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб, халқимизни хабардор қилиб бораётганлигимиз ижобий натижа берапти. Жамоатчиликнинг биз билан ҳамкорлиги сезиларли даражада ошди.

Йилнинг ўтган даври мобайлида 541 та жиноий гуруҳлар фош этилди. Жиноят дунёсининг 1134 аъзоси қўлга олинди. Улар томонидан содир этилган 617 та оғир жиноятлар аниқланди. Ашёвий далил сифатида саккизта автомашина, олти иккита қурол, 85 килограмм наркотик моддалар, 2,5 килограмм нодир металллар ва кўплаб четел долларлари ва миллионлаб сўм пуллар олинди.

Милиция бўғинларининг барчасини профилактика хизмати атрофига йиғиб, иш олиб борилаётганлиги иш услубимизда янги ижобий бир қирра бўлиб қўшилди. Жиноятчиликнинг негизига болта урилиши осонлашди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
Тошкент вилояти ИИБ шахсий тарқибни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоялаш бўлими бошлиғи, ички хизмат подполковниги.

ДУШАНБА

29 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Нақшлар бўстони". Телефильм. 18.25 "Ёшлик" студияси. "Истеъдод". 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 "Дилда ишқинг...". Концерт. 20.00 "Санъат кошонаси". "Ўзбектеlevision" премьераси. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Фанимиз фахри". Академик Иброҳим Мўминов таваллудининг 85 йиллигига 21.30 "Шаҳар бедарвоза эмас...". 22.15 "Қора ўк". Бадий фильм. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Билиб қўйган яхши". 19.40 "Мерос". Телефильм. 20.00 "Лахза". Хабарлар. 20.20 Шифокор маслаҳати. 20.50 "Ассалому алайкум". 21.50 "Лахза". Хабарлар.

"ОРБИТА IV"

5.55, 9.20, 15.20, 18.20, 21.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби 6.00 "Якшанба". Ахборот публицистик кўрсатуви. 6.45 "Тонг". 8.00 "Сайловчи соати" (такрор.). 9.00 Янгилар. 9.25 "Тингланг, томоша қилинг...". 9.45 "Турмуш иқир-чиқирлари". Бадий телесериал премьераси. 25-серия. 10.15 "Нима? Қерда? Қачон?". 11.20 "Мавзу". 12.00 Янгилар. 12.20 "Тол".

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Муслик башорат". Кўп серияли телефильм премьераси. 5-серия. 16.40 "Рок-сабж". 17.20 "Икболи кулганда". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Мультифильм. 18.40 "Мулкдор алафбоси". 18.50 "Хужжатлар ва тақдирлар". 19.05 "Тол". 19.35 "Миниатюра". 19.45 "Сайловчи соати". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Турмуш иқир-чиқирлари". Бадий телесериал премьераси. 25-серия. 21.55 "Спорт уик-энди".

"Янги студия" таништириди: 22.15 "Бомонд". 22.35 "Таржимаи ҳол". 23.05 "Мен". 23.10 "Ассалому алайкум!". 23.40 "Джэм-сейшн". Ю. Шевчук. 24.00 Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Россияда бизнес". 9.30 Тонгги концерт. 9.45 Мульти-пульт. 9.55 Сиз севган комедиялар. "Олтин бузқоча". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар. 12.40 ХХаср кадрда ва кадр ортда. "Корниловнинг шинели". 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 Кундузги сеанс. "Яланг оёқлар". Бадий фильм. 15.35 "Қулардан бир куни Костромада". 15.55 "Бола тилидан". 16.25 Болалар учун янгилар. 16.40 "Трансросэфир". 17.25 "Катта жанжал".

*

18.00—20.10

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.10 Душанба кунини детектив. "Лаки страйк" таништириди. "Куткариш". Бадий фильм. "Криминал ходисалар" сериалдан. 21.05 "Куткариш хизмати 911".

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

20.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.30 "Ҳақиқат онлари". 23.25 "Экспомарказ таништириди...". 23.30 Театр сафари. "Ой ерундаги саҳналар".

СЕШАНБА

30 НОЯБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Мен сизни суюбман". 7.50 "Оқ бўтақ". Мультифильм. 8.00 "Қуноқ болалар". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 "Бахт изловчи Ҳасан". Республика кўғирчоқ театрининг спектакли. 9.55 "Қизил Яримой шўвласи". 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. 11.00

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

"Мухандис".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Тошкентда куз". Телефильм. 18.20 "Ёшлик" студияси. "Балогат ешида". 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 "Навоий гулшани". 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. "Истиқлолимиз қомуси". 21.30 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 22.05 "Мулоҳаза". Ў. Ҳошимовнинг "Тўйлар муборак" асари ҳақида. 22.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Уолт Дисней таништириди...". Мультифильмлар тўплами. 20.10 "Концерт залларида".

"ОМАД" таништириди

21.15 Ёлонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.50, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 8.00 "Сайловчи соати" (такрор.). 9.00 Янгилар. 9.20 "Домисолька". 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 "Инсон ва қонун". 11.10 "440 герц". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 "Эдемга қайтиш". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 8-серия.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Ишбилармонлар хабарномаи". 15.40 "Конверсия ва бозор". 16.10 "Иш". 16.20 "Ён дафтар". 16.25 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли мультифильм премьераси. 16.50 "Биз яна кўплаб қўшиқлар тўқиймиз...". Н. Доризо 17.10 "44 герц". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Конституция: Ғарб тажрибаси". 18.45 "Хужжатлар ва тақдирлар". 18.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.45 "Сайловчи соати". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Мавзу". 22.15 "Мосфильм"нинг 70 йиллигига. "Андрейни қўмсаб". Бадий фильм. 1 ва 2-сериялар (1969 й.). Танаффуз пайтида (24.00) — Янгилар. 02.25 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Ҳақиқат онлари".

11.55 Хонаки экран. "Кўзгу". Бадий фильм. 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 Киноқиссалар. "Тобсек". Бадий фильм. 15.45 Хужжатли фильм. 16.15 Болалар учун янгилар. 16.30 "Рост" студияси. "Тўзал қизлар". 17.00 "Трансросэфир". 17.45 "Танаффуз". С. Есенин шеърлари билан айтиладиган романслар.

*

18.00—20.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.05 "Қўприқдаги нур". Пермь драма театрининг гастроллари муносабати билан. 20.35 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 24.9-серия. 21.25 Спорт кўрсатуви. 21.35 "Одатдаги пайтда". Д. Карасикнинг Г. Алексеев шеърлари асосидаги спектакли.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 "Сиёсат майдонида". 23.20 "Мен

— йўлбошчиман". 23.35 "Сайловдди марафони". 00.05 Волейбол. Россия кубоги. 00.50 "Қисқаси...". Муслик телетомоша.

ЧОРШАНБА

1 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Лирик концерт. 7.50 "Наташа учун эртақ". Мультифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 "Билиб қўйган яхши". 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Саодатли санъат сайералари". Фильм-концерт. 9.50 "Шимол егдусини екин". Бадий фильм. 11.00 Инглиз тили. 11.30 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилари (АҚШ).

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ургут жилларлари". Телефильм. 18.25 "Ислохот— давр талаби". 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 Эстрада концерти. 20.00 "Бобур". Телефильм. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Эсон Лутфуллаев куйлайди. 22.05 Эркин кураш. Ўзбекистон чемпионати. 22.45 "Бахт кулиб бокқанда". Бадий фильм. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Қуноқ жиллари". 20.05 "Спринг". 20.30 "Театр оламида". 21.20 "Ўли". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

5.50, 15.20, 18.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 8.00 "Сайловчи соати" (такрор.). 9.00 Янгилар. 9.20 "Ҳаққа". Болалар учун ахборот кўрсатуви. 9.40 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.30 "Савдо кўприги". 11.00 "Монедан Пикассогача". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 "Эдемга қайтиш". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 13.10 СПИДга қарши кураш Бутунжаҳон кунига. "Амалий ишлар даври келди". 14.40 "Қизча ва силовсин". Телефильм. 15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли телефильм премьераси. 16.40 Волгоград шаҳар "Станица" фольклор ансамбли ижро этди. 17.00 "Қизлар ўртасидаги сир". 17.20 "700 клуб". 17.50 "Технодром". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 18.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.45 "Сайловчи соати". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар.

"Сайланмалар".

Бадий-маърифий кўрсатув. 21.25 "Бир кунини декабрда". Телерадио жамғармаси хазинасидан тухфалар. 21.45 "Ватан солномаси". Парижда гаройиб вернисаж. 22.15 "Паст овозда". Булгаков қахрамонларидан бирининг тақдири ҳақида. 22.30 "Дизайн қувончи". Модерн. Россия сюжетлари. 22.45 "Из". А. Вознесенский. 23.00 "Бедорлик". Волхонкадаги кеча. 23.20 "Сериал". "Инсон овози". Илмий-оммабоп фильм.

*

23.40 "Матбуот-экспресс". 24.00

Янгилар. 00.40 Футбол. Чемпионлар лирикаси. "Милан" (Италия) — "Порту" (Португалия). Италиядан олиб кўрсатилади.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Бизнес: янги номлар". 9.15 "Параллеллар". 9.30 "Сиёсат майдонида". 10.25 "Рек-тайм". 10.55 Киноқиссалар. "Обломов ҳаётидан бир неча кун". Бадий фильм. 1-серия. 12.10 "Обломов ҳаётидан бир неча кун". Бадий фильм. 2-серия. 13.15 "Рус "Самиздати" қаерда сақланади?".

13.45 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.05 "Дунё аёллари". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси. 4-серия. 14.35 "Кўздан гоийб бўлаётган манзара". Лев Аннинский кўрсатуви. 15.25 "Одатдаги пайтда". Д. Карасикнинг Г. Алексеев шеърлари асосидаги спектакли. 15.50 "Телегазета". 16.00 Мульти-пульт. 16.10 Болалар учун янгилар. 16.25 "Рост" студияси. "Ишил мактаб". 16.55 Мульти-пульт. 17.05 "Трансросэфир". 17.50 Спорт кўрсатуви.

*

18.00—20.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 250-серия. 20.55 "Мулоқот". К. Занусси — В. Ерофеев. 21.45 Криминал хабарлар экрани.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 "Сайловдди марафони". 22.55 "Амалий ишлар даври". СПИДга қарши кураш Бутунжаҳон хайрия тадбири. 00.15 "Л-клуб".

ПАЙШАНБА

2 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 Куйлардан қўшиқларга. 7.50 "Соғлом менинг хамроҳим". Мультифильм. 8.00 "Қуноқ болалар". 8.20 "Улоқ". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 "Олтин занжир". Бадий фильм. 10.25 "Қадрдонлар кўчаси". Телефильм. 10.50 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилари (АҚШ). 11.05 Форс тили.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Бўтақ". Республика кўғирчоқ театрининг спектакли. 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 Рустам Гойипов куйлайди. 19.50 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. "Ватан меҳри". Адабий композиция. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 М. Кориекубов номидаги Ўзбекистон Давлат филармонияси "Зарафшон" ашула ва ракс ансамблининг концерти. Халқлар Дўстлиги саройидан эзиб олинган. 22.00 "Хамшаҳарлар". 23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Болалар учун. "Табассум". 20.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. "Бахтимиз қомуси". 20.30 "Шахс ва илҳом".

"ОМАД" таништириди

21.40 Ёлонлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.50, 15.20, 21.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 8.00 "Сайловчи соати" (такрор.). 9.00 Янгилар. 9.20 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10.10 Нина Ананишвили таклиф этади. 11.10 "...16 ешгача ва ундан катталар". 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20 "Эдемга қайтиш". Кўп серияли телевизион бадий фильм. 10-серия.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Телемист". 16.10 "Ён дафтар". 16.15 "Тедди Ракспиннинг саргузаштлари". Кўп серияли телефильм премьераси. 16.40 "Женева. Куз. БМТ". 17.10 "Джэм". 17.40 "...16 ешгача ва ундан катталар". Танаффуз пайтида (18.00) — Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.55 "Оддий Мария". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 19.45 "Сайловчи соати". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 Футбол. Чемпионлар лигаси. "Милан" (Италия) — "Порту" (Португалия). Италиядан кўрсатилади. 21.40 "Твин Пикс". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 9-серия. 23.30 "Максима". 24.00 Янгилар. 00.45 "MTV".

01.45 "Матбуот-экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Кетдик". 9.10 "Мулоқот". К. Занусси — В. Ерофеев. 10.00 Тонгги концерт. 10.15 "Сунган қолдизми?". 10.45 "Куткариш хизмати 911". 11.40 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 249 ва 250-сериялар. 13.20 Ишдан бўш пайтингизда. "ТВ-ателье". 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.00 "Қалбларимизни саховат тарк этмасин". 14.30 "Телегазета". 14.40 "Трансросэфир". 15.25 "Терминал". 16.00 "Рус ижозатномаси". 16.30 Болалар учун янгилар. 16.45 "Рост" студияси. "Такой возраст". Ёшлар тележурнали. 17.15 "Келинг, аниқлаб олайлик". 17.30 "Услуг".

18.00—20.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.00 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 251-серия. 20.50 Ватаним менинг. "Учрашув жойи — Санкт-Петербург". 1-қисм. 21.45 Криминал хабарлар экрани.

*

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

*

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 "Сайловдди марафони". 23.00 Ватаним менинг. "Учрашув жойи — Санкт-Петербург". 2-қисм.

ЖУМА

3 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Ёшлар куйлаганда". 7.50 "Ҳақгўй атиргул". Мультифильм. 8.00 Мутахассис маслаҳат. 8.10 "Зарафшон". Телефильм. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

*

9.00 "Қалъа жавоб берди". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Судралиб юривчилар синфи. 11.00 "Тандир, арча, олов". Телефильм. 11.15 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилари (АҚШ). 11.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология: Хужайрада энергия алмашинуви.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Ўсмирлар учун. "Умид учқунлари". 18.35 "Биз очик жамоа". Телефильм. 18.55 Ёлонлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёлонлар. 19.25 "Одобнома". 20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёлонлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. "Истиқлолимиз қомуси". 21.30 "Ҳофизлар хониш қилганда". 22.05 "Маҳаллада дув-дув гап". Бадий фильм. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Севгилимни излайман". Телевизион бадий фильм. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Сиз кутган дақиқалар". Ўзбекистон халқ артисти Хайрулла Саъдиев.

"ОРБИТА IV"

5.50, 15.20, 18.20, 21.20, 00.40 —

Кўрсатувлар тартиби. 5.55 Янгилар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 "Тонг". 8.00 "Сайловчи соати" (такрор). 9.00 Янгилар. 9.20 Янгилар. 9.20 Мультифильм. 9.30 Эртақ хузурида меҳмонда. "Юлдузлик бола". Телевизион бадий фильм. 11.00 "Саёхатчилар клуби" (сурдо таржимаси билан). 11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар.

15.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 15.25 "Бридж". 15.50 "Бизнес-класс". 16.05 "Ён дафтар". 16.10 Эртақ хузурида меҳмонда. "Юлдузлик бола". Телевизион бадий фильм. 17.40 "Музограф". 18.00 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 18.25 "Россия сайловининг акс садои". 18.45 "Инсон ва қонун". 19.15 "03 вагон". 19.45 "Сайловчи соати". 20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Твин Пикс". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 10-серия. 22.20 "Мўъжизалар майдони". 23.20 "Хафтанинг машхур киши". 23.40 "Матбуот-экспресс". 24.00 Янгилар. 00.45 "Музобоз". 01.30 "Сиёсий бюро". 02.10 "Авто-шоу". 02.40 "Обоз" майдончаси. Т. Овсиенко.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 "Кетдик". 9.10 Ватаним менинг. "Учрашув жойи — Санкт-Петербург". 10.05 "Параллеллар". 10.20 "Ўз манзили". 10.50 "Кўздан ғойиб бўлаётган манзара". 11.45 Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп серияли бадий телефильм. 251-серия. 12.35 "Хайвонот оламида". 13.40 "Дехқонларга тааллуқли масала". 14.00 "Биз бошлаган иш". 14.30 "Трансэфир". 15.00 Мульти-пульт. 15.20 Жума кунлари Дисней. "Қора ўк". Бадий фильм. 2-серия. 16.10 Болалар учун янгилар. 16.25 "К-2" таништирадиган: "Халқ фракки". 17.20 "Ностальжи" — барча авлодлар мусикаси". 17.50 Спорт кўрсатуви.

18.00—19.50 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.50 Россия телевизион театри. М. Булгаков. "Бехосият тухумлар". 21.30 "Фақат ош-нон билангина эмас..."

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 "Сайловолди марафони". 22.55 Катталар учун мултифильмлар. 23.20 "Мистер Икс". Бадий фильм. 00.50 "Муסיкий синови".

ШАНБА

4 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!". 6.40 "Соғлом бўлай десангиз...". 7.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 7.30 "Ватан ишқи". Концерт. 7.50 "Бувимнинг тутилган кун". Мультифильм. 8.00 Дунё воқеалари. 8.10 "Билдирсой". Телефильм. 8.20 Мутахассис маслаҳати. 8.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 8.50 "Соғлом бўлай десангиз...".

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 "Кўл тубидаги хазина". Бадий фильм. 10.25 "Китоб ва ҳаёт". 10.55 Грек-Рим кураши бўйича С. Раҳимов хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир. 11.55 "Халқ ижодиёти". "Тавҳар" ансамбли ҳақида. 12.40 "Билимдон". Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани юқори синф ўқувчиларининг баҳси.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Томоша". Болалар учун фильм-концерт. 18.30 "Бизга мактуб йўллабсиз". 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 "Бобур саломи". Хужжатли фильм премьераси ("Ўзбекистон тарихи"). 19.40 "Хонанда билан учрашув". Хуррият Исроилова. 20.15 Оқшом эртақлари. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Ёшлик" студияси. "Зиё". 22.00 Ўлмас Умарбеков. "Қиёмат қарс". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 23.40 "Тунги ёғду". Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус

тилида). 19.20 "Зарблар сеҳри". Аббос Қосимов. 19.50 Телефильм. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 21.00 "Браслет-2". Бадий фильм.

"ОРБИТА IV"

6.40, 15.20, 21.20, 00.40 — Кўрсатувлар тартиби. 6.45 Эрталабки гимнастика. 6.55 "Матбуот-экспресс". 7.05 "Ишбилармон кишининг шанба тонги". 7.50 Янгилар. 8.30 "Қимор". 9.00 "Марафон-15" таклиф этади. 9.30 Эфирда — Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 10.55 "Авиакосмик салон". 11.10 Мультифильм. 11.25 "Одамлар макони". Экологик кўрсатув. 11.55 "Илҳом манбалари". 12.25 "Тожикистон". Хужжатли фильм премьераси (1993 й.). 13.15 "Лаззат". 13.30 Тиббиёт ҳамма учун. 14.05 "Продюсер". 15.00 Янгилар. 15.25 "Пеппи — Узун пайпоқ". Болалар учун кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 12-серия. 15.50 "Пул ва снесат". 16.20 "Ультраси". Спорт кўрсатуви. От спорт. Бридер Скраун совринлари. АҚШдан кўрсатилади. 17.00 "Қизил квадрат". 17.40 "Хайвонот оламида". 18.20 "Маринскда променад". 19.15 "Оба-на". 19.45 "Коламбия пикчерс" таништирадиган. "Ўзбилармон". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар. 21.25 "Коламбия пикчерс" таништирадиган. "Оруз савдогарлари". Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 2-серия. 22.15 "Серпантин". 23.15 "Матбуот-экспресс". 22.25 "Резонанс" студияси таништирадиган. 23.45 Катталар учун мултифильм. 24.00 Янгилар. 00.45 "Фестиваллар намоиши". Лондонда 37-халқаро кинофестиваль. 01.30 Охирги киносеанс. "Декалог-IX". Телевизион бадий фильм премьераси.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.55 "Сиз яратган боғ". 9.25 Хужжатли фильм. 9.50 Мульти-пульт. 10.00 "Рост" студияси. 10.30 "Пилгрим". Россия саёхатлар бюроси. 11.15 Мульти-пульт. 11.25 Хонаки экран. "Ҳам ҳаёт, ҳам кўзешлар, ҳам муҳаббат". Бадий фильм.

13.00—16.55

"ЎЗБЕКИСТОН"

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

13.00 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 13.10 "Гўзаллик бунёдкорлари". 13.45 "Безнеи мирас" (татар тилида). 14.15 "Муסיқа оламида". И. Брамс асарларини А. Шарипова ижро этади. 15.05 "Кашфийетлар дунёси". 16.15 "Таниш номлар". 16.45 "Бу—ажиб дунё".

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.55 "Бахтли тушлар таъбири". 17.25 "Квадрат илдиз остидаги чақатангалар".

18.00—20.00

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.00 "Овросиё-ТВ" таништирадиган: "Феликс Круллинг иккори". Бадий фильм. 2-серия. 21.05 "Мутлақо махфий".

22.00 Туркия телевидениеси.

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви. 23.20 "Сайловолди марафони". 23.05 "Қсёша хузурида". 23.35 "Даврадан чиқини". Бутунроссия ноғоронлар ўн кунлигига бағишланган "Умид" телемарафони. 00.35 Тунги сеанс. "Қариндош". Бадий фильм.

ЯКШАНБА

5 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 "Ассалому алайкум".

8.00 "Ўзбекистон" ахбороти. 8.30 Болалар учун. "Тонгги салом. 9.00 "Махобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 43—44-сериялар. 10.30 "Қувноқ стартлар". Сирдарё вилояти мактаб ўқувчиларининг мусобақалари. 11.30 Ўзбек тилини ўрганамиз. 12.00 "Устозни табриқлаб...". Ғ. Тошматов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган кеча. "Баҳор" концерт залидан ёзиб олинган. 13.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанпарвар".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Алиса Мўъжизалар ўлкасида". Мультифильм. 1—2—3-сериялар. 18.30 Болалар учун. "Санъат гунчалари". 19.00 "Хафтаномаси" (рус тилида). 19.30 "Ойна жонда". 19.45 Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги олдидан. "Улуғбек сиймоси саҳнада, экранда". 20.30 "Хафтаномаси". 21.10 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллиги олдидан. "Истиқлолимиз қомуси". 21.40 Ўзбекистон халқ артисти Рўзимбек Муродов. 22.45 "Севги сароблари". Бадий фильм. 00.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

"ОМАН" ТАНИШТИРАДИ:

17.00 "Мультифейерверк". 17.40 "Курьер". 17.50 "Рок ҳақида". 18.20 "Хар соҳадан бир шингил". 18.30 Болалар учун. "Совга". 18.55 "Салом, ёшлар!". 19.25 "Даракчи". 19.35 Эълонлар. 19.40 "Видео-О". 21.15 "Курьер". 21.25 "Муסיкий йўлка". Муסיкий кўрсатув. 21.50 "Даракчи". 22.00 Эълонлар. 22.05 "Видео-О".

"ОРБИТА IV"

7.55, 19.00, 22.45, 00.20 — Кўрсатувлар тартиби. 8.00 "Рухни чиқариш". 9.00 "Марказ". 9.30 "Эрта саҳарлаб". 10.00 "Ҳамма уйдалигида". 10.30 "Спортлото" тиражи. 10.45 "Тонг юлдузи". 11.35 "Полигон". 12.05 "Сиз учун учрашув". Василий Аксенов. 12.50 "Янги авлод... ютуқ". 13.30 "Провинция". "КТВ-1" ҳамда "Франс интернациональ" канали таништирадиган: 14.00 "Француз пазандалари сизга тавсия этадилар". 14.10 "Кусто командасининг сувости одиссеяси". Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.

15.00 Янгилар. 15.15 Эстрада концерти. 15.35 "Саёхатчилар клуби". 16.25 "Хунарли хор бўлмайд". 16.30 Мултифильмлар премьераси: "Каспер ва унинг дўстлари", "Ҳақиқий ажина оловчилар". 17.20 Эфирда бевосита мулоқот. 18.05 "Панорама". Ҳафталик халқаро кўрсатув. 18.45 Янгилар (сурдо таржимаси билан). 19.05 "Мен сизга қўшиқ қўйлаб бераман". 19.40 "Нима? Қерда? Қачон?". 20.45 Ж. Ануй. "Орнифль еки елвизак". "Моссовет" номли Давлат академик театри фильм-спектаклининг премьераси. 22.00 "Якшаанба". Ахборот публицистик кўрсатуви. 22.50 Ж. Ануй. "Орнифль еки елвизак". Фильм-спектакль премьераси (давоми). 00.05 Янгилар.

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.25 Хайрли тонг! "Чемпионлар учун нонушта". 8.55 "Калит" кўрсатуви. "Шоҳона сафар". 8-қисм. 9.25 "Муסיкий коллекция". Ж. Э. Бавузе чалади (фортепиано). 10.05 "Рост" студияси. "Космос сабоқлари". "Соник — супер-ежик". 10.35 "Здоровье". 11.05 "Ати-бати..."

11.35 — 15.45

"ЎЗБЕКИСТОН" ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ

11.35 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 11.50 "Қудратимиз — дўстликда". 12.30 "Дийдор" (қозок тилида). 13.00 "Бахтимизнинг муштарак қонуни". 13.30 "Қўнғил кўприклари". 14.10 Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига. "Буюк мунажжим". 14.40 "Муסיқа оламида". 15.15 "Бу ажиб дунё".

15.30 "Мустақиллик оидимлари". Ўзбекистон кўмир саноатининг ривожланиши ҳақида.

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

15.45 Диснейнинг сеҳрли олами. "Винни-Пухнинг янги саргузаштлари". "Қора плашч". 16.35 "Оқ қарға". 17.20 Мульти-пульт. 17.40 "М-трести". 18.00 Телефильм. 18.25 "Овросиё-ТВ" таништирадиган: "Худолар сири". Бадий-хужжатли фильм. 20.00 Спорт кўрсатуви.

20.05 — 22.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

22.20 "Юлдузлар билан суҳбатда". 22.25 Си-Би-Эс кинотеатри. "Бошқа аёл". Бадий фильм. 00.05 "А" программаси: "Ассорти". ("Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз" дастуридан).

Навбатдаги учрашув

Аввалги хабарларимизда Ички ишлар вазирлигининг деярли барча бошқарма ва бўлимларида "Маърифат дарслари"нинг мунтазам ўтказиб борилаётганлиги ҳақида маълумотлар бергандик. Ва ошқоратан олиш керакки, бу хайрли ишнинг самараси қутилгандан ҳам зиёда бўлмоқда.

Яқинда Республика Ички ишлар вазирлигига ўтган навбатдаги "Маърифат дарси"га Тошкент давлат дорилфунуни проректори, филология фанлари доктори Беғали Қосимов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ва "Қамалак" ижодий уюшмасининг бош муҳаррири, шоир Нормурод Нарзуллаевлар таклиф этилди.

Учрашув низоҳатда жонли ва кизиқарли ўтди. Меҳмонлар ўз сўзларида адабиётимизнинг ўтмиши, бугуни, тилимизнинг мавқеи ва раванки ҳақида батафсил тўхталиб, учрашув иштирокчиларини қизиқтирган барча саволларга тўлиқ жавоб қайтардилар. Муҳаммад Али ва Нормурод Нарзуллаевлар ўзларининг янги шеърларидан ўқиб бердилар.

Хулоса сифатида шунини айтиб ўтмоқчимизки, илм, санъат, ижод аҳли билан ўтказилаётган бундай ажойиб учрашувлар ички ишлар ходимларининг маънавий ҳаётида катта бурилиш ясамоқда.

Т. ҲОШИМОВ,

Республика ИИВ ходими, милиция капитани.

БОЛАЛАР УЙЛАРИДАН БЕСАБАБ КЕТМАЙДИЛАР

Катталар билан болалар ўртасида самимий муносабатлар ўрнатилган, иккала томоннинг бир-бирини тушуниши хурматга асосланган оиланинг мустаҳкам оила деб атаса бўлади.

Оилада катталар мутассил ички-ликбозлик билан шугулланган, қўпол сўқишлар ҳукм сурган ҳолда ҳеч қандай куч ва энг ишонтирарли сўзлар ҳам боланинг уйдан қочишининг олдини ола олмайди. Агар катталар болаларни ҳамдард ва қайғудош бўла оладиган кишилар деб ҳисобламаса, болалар бунинг ҳазм қила олмайдилар.

Болалар оилавий жанжаллардан уларни тинглайдиган ва тинчлантира оладиган дўст топиш мумкин бўлган жойларга қочадилар.

Шу йил бошларидан буёнгина Янгийўлдаги вояга етмаганлар қабулхона-тақсимлагичига 400 дан ортиқ болалар ва ўсмирлар олиб келинди, уларнинг кўплари кўчама-кўча сандироқлаб юрган пайтида ушланган эди.

Қабулхона-тақсимлагич ходимлари ўсмирларнинг уйдан қочишлари сабабларини аниқлаш бўйича катта иш олиб боришмоқда. Улар эрта тонгдан кечгача болалар орасида бўлиб, уларнинг оддий бўлмаган муаммоларини ўрганадилар.

Ўн бир яшар Медан А. Янгийўлнинг ўзида яшарди. Махсус мактабга юборишдан олдин, хужжатлар расмийлаштирилгунга қадар унинг қабулхонада бир неча кун бўлиши зарур эди. Бу чора, айтиш керак, иложсизликдан қўлланилади, болалар эса бунинг ҳақиқат билан қабул қилинади. Ўсмирнинг фикри-эди гўё қамоқхона эслатадиган махсус мактабда бўлса керак, у бу ердаги тенгдошларидан ўзини четга тортар, ҳатто катта тарбиячи, милиция капитани М. Юсуповнинг саволларига истар-истамас жавоб беради.

Агар Маъруф Юсупович қатъиятли бўлмаганида, Медан юрагига оғир юк бўлиб етган ўй-фикрлари билан махсус мактабга йўл олган бўларди. Бир кун тарбиячи вақт топиб Меданнинг енига келиб ўтирди ва охирагина шундай деди: "Сенга ҳозир оғирлигини яхши тушунаман, мактабда ҳам енгил бўлмайди, лекин ноумид бўлиш керак эмас. Бир-икки йил хулқ-атворинг намунали бўлса, уйга қайтишингга руҳсат берилади".

Ўзи ҳақида самимий ғамхўрлик билан айтилган сўзларни эшитган Медан Маъруф Юсуповичга юрагидигиларини тўқиб солди.

Кўп оилаларда бўлганидек, унинг кулфатлари ота-оналари ажралиб кетганидан сўнг бошланган. Отаси Бишкекка кетиб қолган, онаси Янгийўлда қолган. Отаси уйдалигига болаларига қаттиққўли билан қарар, кўчада бемаҳал қолиб кетишига йўл қўймас эди. Энди аҳвол ўзгариб кетди.

Онасининг ҳай-ҳайлашларига у эътибор ҳам бермасди. Бунинг устига, онасига айтиб ўтирмасдан, бир неча маротаба Бишкекка, отасининг олдига бориб келди.

Уйдан тез-тез қочиб кетган Медан милиция ҳисобига олинди, лекин бу ҳам унга таъсир қилмади. Мана энди, уни ёпиқ мактабга юборишмоқда.

Меданнинг тенгқури Элдор М.нинг таржимаи ҳоли бундан ғаройиброқ. Ҳали 12га тўлган йўқ, лекин Красноярск, Жамбул ва Тошкентдаги қабулхона-тақсимлагичларнинг меҳмони бўлишга улгурган. Уйда ҳеч нарсага зорикмасди, бироқ ўсмир дайиликни хуш кўрган. Хоҳлаган пайтида уйдан кетиб қолаверган. Вояга етмаганлар қабулхона-тақсимлагичи ходимлари Элдорнинг хулқ-атвори нимага бундайлиги тўғрисида кўп бош қотирдилар. Унинг ота-онаси билан танишганларидан сўнггина манзара равшан бўлди.

Гап шундаки, уларига ўғай ота келганидан сўнггина ўсмирнинг катталар билан муносабати ёмонлашган. Маълум даражада бунга ўғай ота ҳам айбдор эди. Ўсмирнинг характерини ўрганмаган ўғай ота унинг нафсониятига тега бошлаган. Ҳар қандай, ҳатто зигирдек айби учун ҳам беғоналар олдига ўсмирни ккам билан савалаган еки сўккан. Навбатдаги жазоланишдан сўнг Элдор ўзи билан бирга беш минг сўм олгану уйдан қочиб кетган.

Ёши катта болалар уйдан қочиб кетганда ўзлари билан укаларини эргаштирадиган ҳоллар ҳам, оз бўлсада, учраб туради.

Янгийўл қабулхона-тақсимлагичига Юнусобод мавзесида яшовчи ака-укалар: 10 яшар Рустам ва 6 яшар Раҳим Илар келтирилди. Ота-оналари номига қайта-қайта юборилган телеграммалар жавобсиз қолди. Болалар бу ерда зерикшарди. Бироқ қабулхона-тақсимлагич ходимлари уларнинг уйига келишганда нохуш манзарага дуч келдилар. Болаларнинг онаси ўзи билмас даражада маст бўлиб, хона яшаш жойининг тайини йўқ дайдиларни эслатувчи беғона кишилар билан тўлган эди. Ҳамма еқ ифлос. Шундан сўнг нега болалар уйдан бир ўзлари қочмаслигини сабаби аён бўлди. Рустам ўз укасини бу разолатдан қутқармоқчи бўлган, унинг қалбида ўз онасидан жирканиш туйғуси пайдо бўлишига йўл қўймаслик ҳақида ўйлаган.

Ўсмирлар уйдан қочмасиз кетиб қолмайдилар. Шундай ўсмирларни учратганда қаттиқ қойимаслик, балки уларни тушунишга ва ҳамдард бўлишга ҳаракат қилишимиз керак, зеро уларнинг хатти-ҳаракатларида катталарнинг ҳам айби оз эмас.

Ш. АҲМЕДОВ,

Рашк Отеллодек буюк қалб эгасини машғум қотилга айлантирди. Унинг ориятини, иззат-нафсини, муҳаббатини бўғди. Бунинг сабабчиси Яго.

Рафиқнинг ҳаётида Яголар йўқ эди. У камфикрлиги, бадгумонлиги туфайли жарга ўз ихтиёри билан кулади. "Тумон имондан айиради" дейишгани бежиз эмас. Шундай бўлди. Рафиқ Маржонни суйиб суйди. Гуноҳини билмай, гумон билан суйди. Беш нафар норасиданинг жонини олди. Ахир унинг ўзи эмасми уларга ҳаёт бағишлаган падари бузруквор?

Маржоннинг гуноҳи нима эди? Унга ота-она ихтиёри билан турмушга чиққанини еки беш нафар фарзанд туғиб берганими? Эҳтимол, бошқа бировга муҳаббати бордир, балки Рафиқ билан болалари учун яшаб юргандир. Бунинг учун қоралаш, ўлдириш шартми? Ахир у ҳам инсонларга ҳос бўлган ҳис-туйғудан маҳрум эмас эди-ку? Биров билан юриб гап-сўз бўлган бўлмаса, ўзга эркакни кўрмаган бўлса. Шундай экан, уни айблагша Рафиқнинг қандай исбот-далили бор?

Табиатан сўлим ва дилбар хотинининг хатти-ҳаракатлари унга шубҳали туюла бошлади. Маънос кўзларида сир бордек. "Бошқа бировни севади", — гумон тушди кўнглига. Гумон дилини кўртдек кемирарди, ором уни тарк этди. Ўтурса ўрни куяр, юрса йўли куярди. Кимдир тунда ҳовлида юргандек, деразани қокқандек туюларди. Рашк қилавериб хотинига кун бермай қўйди. Урди, сўкди. Бирок Маржоннинг жазмани кимлигини билиб ололмади. Ахир бундай, ажралиш учун судга ариза берди. Суд

МАРЖОНДЕК ТЎКИЛДИ МАРЖОННИНГ УМРИ...

ёки ота — ўз хотини ва болаларининг қотили

эса кўп болали оилани ажратишни лозим топмади. Муҳлат берди. Рафиқ бош олиб қишлоқдан кетди. Тошкентга келиб трактор заводига ишга кирди. Аммо унда кўним тополмади. Қишлоққа қайтиб келди. Хотини билан ярашди. Қайтанга ярашмаса бўлар экан. Ҳамма бало шундан кейин бошланди. Эр хотинига ишонмас, кимлардандир рашк қилар. оиладан файз-барақа кетган. болаларнинг эса уруш-жанжалдан юраклари зада бўлиб қолган эди.

... Ўша кун бошқа кунлардан сира фарқ қилмасди. Беиш юриб зериккан Рафиқ жўралари Зиёмиддин билан Жамолдидинни уйига меҳмонга таклиф қилди. Маржон дастурхонни куюк қилиб берди. Учовлон 2 шиша винони ичиб олишди.

Бир пайт эшик охишта чертилгандек бўлди. Ташқарида нимадир тарақлади. Жамолдидин Маржонга "эшик тақиллапти, қарамайсани" дегандек имо қилди. Ҳар ҳолда Рафиқнинг назарида шундай туюлди. У ўтирган ўрнидан ирғиб туриб ташқарига йўналди. Ҳовлида ҳеч ким кўринмас, ўғри мушуккина без бўлиб Рафиққа тикилиб

турарди.

Рафиқнинг кўнглига барибир гулгула тушди. Хотинининг либосини кийиб ҳовлини айланиб чикди. Қоронғида писиб турган жазман уни хотини деб ўйлаб ўзини кўрсатади. У эса бу пайтдан фойдаланиб хотинининг жазманини тўтиб олади.



Аммо ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Ўртоқлари кетишгач, кўнгли бир оз тинчиганини ҳис этди. Меҳри ийди. Хотинига бошқа хонага жой солишни буюрди.

Декабрь ойининг совуқ, рутубатли окшоми. Тунги соат 10 лар атрофида эр-хотин зарурат учун ташқарига

чикишди. Кўшнининг деразасидан буларнинг ҳовлисига еруглик тушиб турарди. Хотини эгилганида очик ёқасидан оппоқ кўкси кўриниб кетди. Шу пайт девор устидаги тунука так-так этди. Бу балки мушукдир. Бирок Рафиқнинг назарида девор орқасида Маржоннинг жазмани тургандек туюлди. Боши қаттиқ қизиб кетди. Газабдан кўзларига қон қуюлди. Қулочкашлаб Маржоннинг юзига тарсаки тортиб юборди. Маржон юз-ни ушлаганича чинқирди. Сўнгра Рафиқ уни силтаб-силтаб уйга олиб кирди. Ўтқизиб тўғри келган жойига аямасдан, беармон тепди. Токчадан турган ошпичокни олди-да, телбалардек Маржоннинг кўксига санчди. Кейин яна, яна... Бечора Маржон дод дейишга ҳам улгурмай ерга кулади.

Рафиқ ўлжасини бурдалаган итдек хунук алфозда қўлидаги қонли пичоқ билан болалари ухлаб ётган хонага отилди. Тун осуда ўтаётган, беғубор болажонлар гарқ уйкуда пишиллаб ухлаб ётишарди. Аввалига тўнғич ўгли Гаффорни, кейин Абборни, Севара ва Гулмирани, Хонигулни кўзичокни бўғизлагандек бўғизлади.

Норасидаларнинг сўнги ноласи эшитилар, хона кип-қизил қонга бўялганди.

Буни қаранг-а, дунё чок-чокидан сўкилмади ва осмон ҳам, шифт ҳам куламади. Дунё ўз чархпалагида бемалол, хотиржам айланаверди.

Қотил югуриб акасининг уйига борди. Бемаҳалда укасини безовта кўрган аканинг хуши бошидан учди.

— Уйдагиларни бўғизлаб қўйдим. Сасиб кетмасин. Бориб кўминлар. Ога-иниларга хабар беринг.

— Нималар деясан, сен ўзи?

— Боринг ака, мени худо урди. Уйдагиларни бўғизлаб қўйдим деяман-ку, сизга, — дедию Рафиқ келган изига зиппа бурилиб жўнади.

Уйига келиб болаларини кўрди, хотини ётган хонага кириб ўзининг кўксига пичоқ урди.

Аммо жон ширин-да, пичокни ўзига аяброқ урди. Агар у пичокни хотини ва болаларидан олдин ўзига санчиб, охирагга равона бўлганида, адолатлироқ иш қилган бўлар эди, дунё бир бадқирдордан халос бўлган бўлар, адолат тантана қиларди.

Аммо...

Қишлоқ аҳли даҳшатли манзарадан тош қотди. Маржон ва болалари ўлиб ётар, кўрнамак Рафиқ эса енгил яраланган эди. Акаси зудлик билан "тез ердан"та кўнғирок қилди. Қотил ўлимдан сақлаб қолинди. Суд барибир кейинроқ Рафиқ Иймонкуловни олий жазога — ўлимга ҳукм қилди.

Муҳаммадали ТОШТЕМЙРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси ходими.
Шарофат ИСКАНДАР қизи,
"Маърифат" газетасининг
муҳбири.

ТАДБИР ЯКУНЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида шу йилнинг 28 августда бўлиб ўтган тезкор кенгаш қарорига асосан, 20 сентябрдан 20 октябрга қадар махсус "Назорат-93" тадбири ўтказилди. Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад муқаддам судланганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг турмуш тарзи ва ҳуқуқ-атворини текшириб чиқиш эди. Ушбу тадбир самарали якунланди.

Аниқ режалар асосида қўрилган чоралар натижасида бир қатор ижобий кўрсаткичларга эришилди. Жумладан, 37896 нафар муқаддам судланганларнинг турмуш тарзи текшириб чиқилди. Уларнинг 1879 нафари маъмурий назоратда турувчилардир. "Назорат-93" тадбири ўтказилган кунларда 1706 нафар муқаддам судланган шахслар жамоат тартибини ва умумий яшаш қоидаларини бузганликлари учун улар устидан маъмурий назорат ўрнатилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилди. 1091 нафар назоратда турувчилар эса тезкор кузатув билан таъминланди.

Бундан ташқари, тадбир давомида

Ш нафар қидирувда бўлган фуқаролар ушланди. Муқаддам судланганлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун 3929 та маъмурий баённома тузилиб, чоралар белгиланди. Маъмурий назоратда турувчи 79 кишини жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор қабул қилинди ва 231 нафар муқаддам судланган фуқароларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилди.

Ижобий натижалар билан якунланган ушбу тадбирни ўтказишдаги айрим жузъий камчиликлардан қатъи назар, унинг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда каттадир. Шунинг учун ҳам бу тадбирга муҳим иш сифатида қаралди. Кўплаб содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олди олинди. Қисқа қилиб айтилган бўлса, уюшқонлик билан ўтказилган тадбир муқаддам судланганларнинг тўғри йўлга ўтиб, ҳалол меҳнат қилишлари заруриги тўғрисида ўзига ҳос огоҳлантиришдан иборат бўлди.

Эргаш ПИРИМҚУЛОВ,
милиция подполковниги.

УЧАСТКА ВАКИЛЛАРИНИНГ ТАЯНЧИ

Маҳалла аҳли билан бевосита алоқада бўлган милиция участка вакиллари иши доимо аъло даражада бўлади. Бунинг туб моҳиятини тушуниш участка вакиллари — милиция катта лейтенанти Йўлдошмат Қўзиев, милиция лейтенанти Тожибой Рихсиев, милиция лейтенанти Элмурод Мусулмоновлар доимо маҳалла кўмиталари билан бирга баҳамжihat иш тутишмоқда.

Маҳалла кўмитаси раислари А. Жумакулов, А. Абдурахмонов, Б. Норалиевлар участка вакиллари ишларидан мамнулар. Ўз навбатида "участкавойлар" ҳам маҳаллада бўладиган тўйу маъракаларда ҳозир у нозирлар. Чунки улар маҳалла фаолларини асосий таянч деб биладилар ва биргаликда маҳалладаги нотинч оилалар, ғиёҳвандликка ружу қўйган шахслар билан тез-тез суҳбатлар ўтказадилар. Бу эса маҳалла аҳли ўртасида оилавий жанжаллар, қизиққонлик оқибатида ажралиб кетишларнинг олдини олмақда. Участка вакиллари томонидан ўн ой ичида аҳолидан 19 та ноқонуний курул олинди, 93 нафар қўлбола арок тайёрловчи шахсларга нисбатан баённомалар тузилди ва жарималар солинди. Савдогарчилик билан шуғулланган 11 та шмачилик қилган 24 шахс жазоланди. Қидирувда юрган тўртта жиноятчи қўлга олинди. Содири этилган 96 та жиноятдан 29 таси участка вакиллари томонидан очилди. Улар яна 60 та жиноятни очишда фаол қатнашдилар.

Жиноятнинг олдини олиш оддий иш эмас. Бу борада фақат ички ишлар ходимларининг кучи билан ижобий натижаларга эришиш кийин. Бунинг тўғри тушуниш маҳалла аҳли милиция ходимлари билан ҳамкорликда назоратчилик қилмоқдалар, бу эса жиноятларнинг олдини олишда ўз самарасини бермоқда.

М. МИРЗААХМЕДОВ,
Янгиобод шаҳар ИИБ бошлигининг
муовини, милиция майори.

"КЕЛ, УКАМ, БИЗГА ИШЛА!"

Ўсмирларнинг жиноят содир этишига йўл очиб берувчи кўпгина сабаблар қаторида асосийси, менимча, вояга етмаганларни ишга жойлаштириш муаммосидир.

Корхоналарнинг ҳўжалик юритишда янги шарт-шароитларга ўтиш муносабати билан улар малакали кадрларни танлаб олишдан гоятда манфаатдор бўлмоқдалар. Маъмуриятта танлаш тўғри келса, у тарбияси кийин ўсмирга қараганда, албатта, қатта меҳнат стажига эга бўлган мутахассисни танлайди.

Ўсмир нима қила олади? Ишга қабул қилишдаги доимий рад этишлар унда ўзининг норасо эканлиги туйғусини ҳосил қилмайдими?

Хайратки, пойтахт вилоятида йўлдан тойган ўсмирларни ўзидан бездирмайдиган, балки, аксинча, уларга эски гуноҳларини унутиб, ҳамма нарсани бошидан бошлашда ердан беришга ҳаракат қиладиган корхоналар ҳам йўқ эмас.

Янгийўл туманидаги САИМЭ заводи ана шундай корхоналардан биридир. Унинг махсулоти республикадан ташқарида ҳам яхши маълуи. Заводда қишлоқ ҳўжалик машиналарининг бир неча тури тайёрланади. Бу корхонада ишлаш енгил бўлмаса-да, қизиқарли.

Заводда меҳнат қилаётган 20 нафарга яқин ўсмирнинг ярмидан ортиги бевосита махсулот ишлаб чиқаришда банд, — деб ҳикоя қилади бош муҳандис М. Турғунбоев. — Уларни тайёр машиналар кўрикдан ўтказиладиган кунларда кузатиш жуда марокли бўлади: ўз хурсандчиликларини яширишга уриниб, мураббийларидан сўраганлари-сўраган: машина панд бериб қолмайдими, ҳосилни йиғиб-териб олиш пайтида далада бузилиб қолмайдими?

Миржалил ака баъзи ўсмирларнинг аввалиги туриш-турушлари ҳақида гапираркан, турмушлари бошларидан кўп нарсани кечирганини айтади. Бу ўсмирларнинг кўпчилиги судланган.

Қобил Б.16 ешда бўлса-да дўконга

ўғирликка тушгани учун судланган. Колониядан қайтиб келгач, бир қанча вақт ишсиз сандироқлаб юрди, САИМЭ заводининг ерданчи ҳўжалиги боғбони С. Қўқоновни учратиб қолмаганида, унинг кейинги тақдири қандай бўлишини олдиндан айтиш кийин. Қўқонов унга оталарча насихат қилиб, заводга келиб ишлашни маслаҳат берди. Керак бўлса ерданчини аямаслигини айтди.

Қобил боғбонга шогирд бўлди. Бирга меҳнат қилишда, бирга дам олишда. Сарлибой ака ва унинг ерданчисининг сазй-ҳаракатлари туфайли ишчилар хўл мевалардан, қишда эса цитрус мевалардан баҳраманд бўлишмоқда.

Женя И. билан Рафаэль Р. қалин дўст. Бир қарерга борса, иккинчиси ҳам шерик бўлади. Бошқа ўсмирлар билан бир гуруҳда дўконга ўғирликка тушишган кунни ҳам шундай бўлди. Умуман олганда, икковни ҳеч нарсга зорикмасдилар.

Лекин иш бошқача тус олди. Ўғирликдан сўнг улар уйга қайтишга улгурмасданок, милиция ходимлари томонидан ушландилар. Терговдан сўнг суд бўлиб ўтди. Улар икки йилга ҳукм қилиндилар, фақат ижро бир ярим йилга кечиктирилди.

Ўсмирлар енгил қутулдик деб хурсанд бўлишганди, лекин бундай эмас экан. Уларга яна бир қонунни бузишса, шу захоти колонияга юборилишлари тушунтирилди. Бунинг устига, суд уларнинг албатта ишга жойлашишлари кераклигини таъкидлади.

Янгийўл тумани ИИБ ВЕИНинг сазй-ҳаракатлари билан улар заводга ишга жойлаштирилди. Ишга расмийлаштириш бўлимида қаерда ишлашни хоҳлашлари сўралганда улар бир овоздан машина ясаладиган жойда, деб жавоб беришди.

Бугунги кунда Женя токарлик касбини ўрганмоқда, Рафаэль эса фрезерчи бўлиш орузида.

Ринат К.ни эса заводга отаси бошлаб келган эди. Бош механик бўлимининг устаси А. Каппаров ўғлида емон томонга ўзгаришлар бўлаётганини сезиб қолди. Ўсмир

уйга ярим тунда қайтарди, уни кўпинча ўзидан қатта болалар орасида кўриш мумкин эди. Ринатдан тамаки ва спиртли ичимлик ҳиди келади деган бўлиб қолди.

— Аҳвол шундай давом этаверса, ўғлим емон йўлга кириб кетиши мумкин, — деб ўйлади ота. Ўсмирни заводга олиб келиб, ерданчи ишчи қилиб олишларини илтимос қилди. Шундагина Ринат ҳалол ишлаб топишган пулнинг қадрига етади, деб ҳисоблади.

Унга мураббийлик қилган уста Ю. Чижиков олдинига Ринат ҳақида яхши фикрда бўлмади: "Ялқов, тез-тез ишни ташлаб қетади, топириқларни ўлда-жўлда бажаради".

Буни эшитган Ринатнинг отаси устадан унга қаттиққўл бўлишни, топириқни бажариши борасида қаттиқроқ талаб қилишини илтимос қилди.

Тарбиявий таъсирнинг кучайтирилиши натижасида Ринатнинг ҳулқ-атворида ижобий ўзгаришлар юз берди: у ўз ишига яхшироқ муносабатда бўла бошлади.

— Мураббийларнинг куч-ҳаракатларини мувофиқлаштириш учун, — дейди ишга расмийлаштириш бўлими нозир М. Раҳмонова, — завод директори А. Козаревнинг таклифи бўйича мураббийлар кенгаши тузилди, уни бошқариш участка бошлиги Т. Жўрабековга топирилди.

Кенгаш ҳар ойда мураббийларни тўплаб, вояга етмаганлар билан ишлаш, улар бидан тарбиявий тадбирларни ўтказиш режасини тузиш муаммоларини муҳокама қилади.

Эрта тонгда, олатдагидек, завод дарвозаси кенг очилади, ишчилар ўз иш жойларига қараб йўл олишади, улар орасида завод уларнинг иккинчи уйи бўлиб қолган ўсмирлар бор. Уларнинг келажаклари албатта ойдин бўлишига ишонгимиз келади.

Ш. АХМЕДОВ,
милиция подполковниги.

БЕКАТ



Орзуга қанот бўлган дақиқа...

ЯХШИЛИК — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Яхши бўлсанг агар, қолади
номинг,
Қўлга кирар бахту, истагу
коминг.
Ёмонлик ўрасан эксанг
ёмонлик,
Бирор кун кўрмайсан
шодлик, омонлик.
Абдулқосим ФИРДАВСИЙ.

Ёмонга яхшилик қилмоқ
ёмондир,
Бунга яхши билар ақли
расола.
Бўрига яхшилик — қўйлар
бошига
Келтургай қанчадан-қанча
балолар.
Саъдий ШЕРОЗИЙ.

Ҳар кимдаки бўлса яхши
табиат,
Одамийлик юксак унда
ниҳоят.
Яхшиликдир яхши ишлар
пояси,
Яхшиликдир гўзалликнинг
мояс.
Хусрав ДЕХЛАВИЙ.

ТИЛИДАН ИЛИНДИ

Кунлардан бир куни Мирзо Улугбек ҳузурига бир киши келиб, ўз дўстининг хиенатидан шикоят қилди:

— Бундан бир неча кун илгари Бухорони зиёрат қилиш нияти билан Самарқанддан йўлга чиқдим. Ҳаёлимда ортиқча минг танга пулим ҳам бор эди. Икки фарсанг йўл юрганимдан кейин жуда чарчадим, қорним ҳам очди. Катта бир ариқ бўйида ўсган дарахт соясида ўтириб, дам олдим, овқатлана бошладим. Шу пайт дўстларимдан бири йўлдан ўтиб қолди. Мен уни ҳам овқатга чақирдим, келди, биргалашиб овқатландик, гурунглашиб ўтирдик.

Сўнгра дўстим кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди, мен ҳаёлимдаги минг тангани унга тошириб: “Дўстим, бу ҳаёлимдаги минг танга пулимни сенга омонат тариқасида топшираман, унингга қайтгач, шу омонатни оиламга беришингни ўтинаман”, — дедим. Дўстим пулни қабул қилиб, омонатни оиламга топширишга ваъда берди.

Бир неча кундан кейин

Бухородан Самарқандга қайтиб келдим. Дўстим омонатни оиламга топширмагани маълум бўлди. Дарров дўстимнинг енига бориб, ундан омонатни оиламга топширмагани сабабини сўрадим. Мендан ҳеч бир омонат пул олмаганини, ҳатто мени кўрмаганини айтиб, тоғиб тура берди. Шунинг учун арз-додимни сизга айтмоққа ҳузурингизга келдим. Пулимни шояд ундан ундириб берарсиз, деб умид қиламан.

Мирзо Улугбек унинг хиенатчи дўстини ҳузурига чақиртириб келтирди ва ундан бўлган воқеани батафсил айтиб беришни сўради.

У киши бундай деб жавоб берди:

— Мен катта ариқ бўйидаги дарахт соясида у билан ўтириб овқатланганим у еқда турсин, ҳатто унинг ўзини ҳам кўп вақтлардан бери кўрмаганман. У дарахт қаерда ва қайси ариқ бўйида эканини ҳам билмайман.

Шундан сўнг, Мирзо Улугбек пул эгасига буюрди:

— Сен дарров ўша дарахтнинг бир нечта баргини олиб кел.

Пул эгаси кетгач, Мирзо Улугбек унинг хиенатчи дўстини енига ўтказиб, чақчақлашиб ўтирди. Сўнг уни гапга кизиқтириб туриб:

— У киши дарахт енига етганимкан? Дарахт анча узоқда бўлса керак, у киши шу пайтгача келмади, — деган эди, гапга кизиқиб қолган хиенатчини гафлат босди:

— Ҳали етгани йўқ, дарахт анча узоқ ерда, — деб тилидан илинди.

Мирзо Улугбек кула-кула унга деди:

— Ҳозиргина “У дарахтни сира ҳам кўрганам йўқ”, деб айтган эдинг-ку, у кишининг ҳалигача дарахт енига етмаганини, дарахт узоқ жойда эканини қаердан биласан? Бемаъни сўзларни сўзлама, тур ўрнингдан, омонат қўйилган пулни дарров олиб кел, бўлмаса жазо бераман.

Хиенатчи айбини бўйнига олиб, пулни келтирди. Шу чоқда пул эгаси ҳам етиб келди. Мирзо Улугбек минг танга омонат пулни хиенатчидан олиб эгасига топширди.

БЎЛДИ АЖАБ ҲАНГОМАЛАР

Чечен жангарилари “Боку — Красноярск” поездига ҳужум қилдилар. Олтинчи кишилик қуролланган тўда Чечен ҳудудидан ўтаётган поездни тўхтатиб, бир тижорат фирмасига қарашли 145 кути озарбайжон коньягини ўғирлади.

Ереванлик бир киши Хитойдан Сочи

аэропортига келиб қўнди. У 5 миллион сўмлик мол солинган 18 та тугун олиб қайтганди. Ереванлик юкларини қандай олиб кетишни ўйлаб алангларкан, учувчилар формаси кийган икки ҳамюртига кўзи тушди. Улар ўзларини Ереванга қатновчи юк самолётининг учувчилари деб таништиришди ва 335 минг сўм эвазига ердам бермоқчи бўлишди. Тижоратчи ту-

Муҳокама учун мавзу

“СОЛМА КЎЗ,
КИМСА БЎЛСА
НОМАХРАМ...”

“Ё, Али, дўзах эшигига: Ҳар ким нафси ҳавасига қаршилик қилса, унинг жойи жаннатдир ва ҳар ким нафси ҳаваси йўлига юрса, унинг жойи дўзахдир, — деб ёзганлар”.

Расулulloҳнинг ҳазрати Алига васиятларидан.

Ушбунни езишимга “Постда”нинг 1993 йил 12 ноябрь сонидagi И. Шомуродовнинг “Тескари тарбия — жиноят” сарлавҳали суҳбат мақоласи туртки бўлди. Унда Чилонзор тумани прокурорининг катта ердамчиси М. Р. Пулатова Гулҳумор исмли жувоннинг суюқоёқлиги оқибатини эслайди. Дарҳақиқат, фоҳишалар ҳозирги кунда катта муаммоларни юзага келтираётганлиги рости. Шу баробарида бу иллатга, маънавий бузғунчиликка жиноят мажмуасида тайинли жазо белгиланмаганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Нега? Айнан шу савол кўпдан бери мен учун бош мавзу. Бироқ хануз дурустроқ жавоб эшитганимча йўқ. Ҳатто чор Россияси даврида фоҳишалар таъбида бўлган. Уларга паспорт ўрнига сарик рангли карточка берилган. Лекин собиқ Шўро тузуми “шарофати” билан биз уларни одам сафига қўшиб олдик. Таносил касаллигига йўлиқса, давлат ҳисобидан даволаямиз. Кўча-кўйда, тугруқхоналарда қолдирилатган гўдакларни ҳеч бир миннатсиз боқмоқда давлатимиз. Бундай инсонпарварликдан “руҳланган” фоҳишалар ўз нафси ҳаваси йўлида ҳеч нарсадан тап тортмай, не-не оилаларни пароканда қилиб, не-не жиноятларга сабаб бўлиб юрибдилар.

Юқорида номга зикр этилган “Тескари тарбия — жиноят” суҳбат-мақоласидаги жумлаларни эслайман:

“... Ётоқхонадагиларнинг айтишича, Гулҳумор гоҳида болаларнинг олдида номаъқул ишлар билан шугулланган... Ниҳоят, уни бизнинг талабимиз билан халқ суди оналик ҳуқуқидан маҳрум қилди...”

Менимча, у жазоланмаган, аксинча, ўзи учун ортиқча юк — болаларидан қутилган. Шунинг ўзиек инсоний киефаси йўқолган фоҳишалар жинсий жавобгарликдан холи эканини кўрсатмайдими? Ҳатто АҚШда фоҳиша кўлга тушса, уч ой қамок жазосига ҳукм этилиб, сурати, бармоқ излари олиниб, картотека очилади. Италия, Олмония каби давлатларда ҳам уларнинг ҳуқуқлари чекланган. Авваллари собиқ марказдан руҳсат зарур эди, эндиликда қонунларга ўзгартириш киритиш учун кимдан ижозат кутамиз?

Собиқ тузумдан қолган яна бир иллат — “Елгиз она”лик ҳуқуқини химояловчи қонун. Никоҳсиз, ноқонуний тугиб олдим, уй олишда ва бошқа жабҳаларда қатор имтиёزلарга эга бўлади. Ахир, қонуний фарзанд кўрган аёлнинг ёзуғи не? Шу боис бўлса керак, биргина пойтахтда 1992 йили 2404 нафар “елгиз она” имтиёзига эга аёл бўлган. Бу юрда авваллари бениҳоя эр қилганлар қуегин бўлганлар-ку.

ТАҲРИРИЯТДАН:

Д. Саййиднинг юқоридаги эътирозлари гарчи бироз кескин бўлса-да, ўринлига ўхшайди. Бу борада муаллиф ҳеч кимга маломат қилмаган ҳолда, собиқ тузум “андоза”си билан вужудга келиб қолган ижтимоий муҳит юзасидан фикрларини баён этмоқда. Дарҳақиқат, фахшу зино ўлкамизда азал-азалдан тавқи лаънат олиб келган.

Биз юқоридаги мақола юзасидан муштарийлар ҳам ўз мулоҳазаларини маълум қилишларини истардик.

Маънавиятимиз косасига бир чўмич ювиндидек бўлиб қуйилган яна бир иллат — “Фуқароча никоҳ” тушунчаси. Яъни, ҳеч бир ЗАГСсиз эркак ва аёлнинг ўзаро келишиб яшаши. Бу ҳол, айниқса, ўзга юртлардан келаётган дайидио жиноятчиларга, суюқоёқ текинхўрларга қўл келмоқда. Хўш, бу тушунча яна қанча яшайди? Ахир, уйингизга келган меҳмон рўйхатдан ўтмаса, уч кундан ортиқ туриши мумкин эмас. Аммо “фуқароча никоҳ”дилар қабргача бирга тураверадилар. Нега? Бундай аҳвол миллий одатларимизга зид бўлиши билан бирга ҳуқуқ-тартибот ходимларига ҳам ортиқча ташвиш орттираётгани аниқ-ку. Энг ачинарлиси, қаерда “елгиз она”, фоҳиша, “фуқароча никоҳ”ли оила бўлса, ўша ерда нопоклик, жиноят мавжуд. Ҳатто улардан участка вакилларию маҳалла фаоллари ҳам безор. Лекин чора кўрай десалар, тайинли жазо йўқ. Нарг бурса, жарима еки жамоа иззаси.

Баъзида жиноятлар мажмуасини варақлаб ўтириб, ҳайрон қоламан. Зино учун жазога фақат эркаклар мустахик. Хўш, зиногар аёл-чи?

Мустақиллик боис қатор янги қонунлар, ўзгаришлар қабул қилинди. Хусусан, ўғриллар, гиёҳванду ташмачилар, уюшган жиноятчилик борасида. Аммо биз юқорида тилга олган, маънавий бузғунчилик, деб қайд этган ҳолатлар ҳамон четда қолиб кетмоқда.

Улуг бобоқалонимиз Алишер Навоий:

Солма кўз кимса бўлса
номахрам,
Гарчи нафсинг топар
наззорада суд.
Ким назарким ҳаром,
шайтоннинг
Новакидур ва лек
захромуд, —

дейдилар. Яъни, бегона-номахрам кимсага қарама, гарчи шу қараш билан нафсинг фойда топса-да, бу ҳаром иш, гўе шайтоннинг захарли ўқидир, — дея таъкидлайдилар. Бу тўртлик фақатгина эркаклар учун эмас, айти кунда барчага тегишлидир. Токи юртимизда собиқ тузумдан қолган мажмуалар мавжуд экан, маънавиятимиз тўлиқ ривож топмайди. Зеро, Президентимиз И. А. Каримов айтгандек:

“Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, химояси ҳам, қўзи ҳам, сўзи ҳам — қонундир”.

Биз ҳуқуқий давлатда яшаётган эканмиз, шу давлат халқнинг манфаатдорларини химояловчи, маънавиятини, ифодаловчи қонунларимиз бўлмоғига эришмоғимиз зарурдир.

Дилмурод САЙИД,
Тошкент шахри.

Тўртта пермлик ўғри узоқ вақт ўз касбидан ажрайдиган бўлди: Улар балкон орқали охириги қават хонадонларига кириб тунаб юрадилар. Ўғриллар охириги марта буюмларни кўтариб, эшик томон юрганларида олдиларини баҳайбат овчарка тўсди. Тўрт оёқли қоровул улардан бирининг қўлини тишлаб олди. Ўғрилларнинг итти қолбаса билан алдашга уринишлари беҳуда кетди. Ит уларни ўн икки соат қамаб турди. Уй эгаси чақирилмаган меҳмонларни ухлаб етишганда ушлады.

гунларини “УАЗИК”ка юклади ва... ҳаммасидан ажради.

Учта уфалик олтинчи синф ўқувчиси “Сникерс” шоколадини кўриб сўлақайлари оқиб юрарди. Бу уларни жиноятга бошлади. Болалар синф раҳбарининг сумкасида 100 минг сўм ўғирладилар. Жиноят осон очилди: синфдаги ахлат савати чиройли шоколад қоғози билан лик тўла эди. Ширахўрлар 80 минг сўмлик шоколадни паққос урган эканлар.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

“Постда” — “На посту” газеталари таҳририятининг жамоаси Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ички қўшинлар бошқармасининг бошлиғи, ички хизмат полковниги **Ҳабибулла Рашидович Ҳошиматов**ни муборак қирқ ёшга тўлганлиги муносабати билан чин қалбдан табриқлайди. Унга сиҳат-саломатлик, хизмат фаолиятида катта муваффақиятлар, оилавий ҳаётида бахт-саодат тилайди.

Ишонамизки, бошқарма шахсий таркиби билан газеталар таҳририяти ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик бундан кейин ҳам янада ривожланиб бораверади.

МУТАХАССИС ЖАВОБ БЕРАДИ

Жиноят нима?

Таҳририятимизга фуқаролардан келаётган мактубларнинг кўпчилигида жиноятчиликка қарши курашиб, оқолишга қилиш билан бирга ҳуқуқий масалаларга оид фикрлар ҳам кўтарилган. Жумладан, бизга Самарқанд вилоятидан Адҳам Файзуллаев мактуб йўллаб, жиноят сўзининг мазмуни ҳақида тушунча беришимизни сўраган бўлса, Сирдарё вилоятидан Мухтор Алимов ўғирлик жинояти учун кейинги пайтда мажмуага киритилган ўзгаришлар ва қўлланиладиган жазо чоралари ҳақида маълумот беришимизни сўраган. Биз ушбу саволларга жавоб бериш учун ИИБ Тергов бошқармаси 2-бўлим бошлигининг муовини, милиция капитани Р. Йўлдошевдан илтимос қилдик.

1. **Жиноят** — ижтимоий ҳавфли, ҳуқуққа хилоф, қасддан ёки эҳтисизликдан қилинган ҳаракат ёхуд ҳаракатсизликдир. Ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг ижтимоий ҳавфлилиги жиноятнинг табиати ва моҳиятини очиб беради. Бизда мавжуд қонунларга асосан айбдорларга жиноий жазо қўлланилади.

Ҳаракат — шахснинг онги, феъл-атвори ва эркининг ифодаси бўлиб, у бевосита шу шахснинг жисмоний ёки руҳий ҳаракати билан эмас, шунингдек бошқа шахслар, воситалардан фойдаланиб, содир этилиши ҳам мумкин. Асосий жиноятлар ҳаракатда содир бўлади.

Ҳаракатсизлик — шахснинг ижтимоий ҳавфли пасив феъл-атвори бўлиб, қилиши лозим бўлган ҳаракатни қилмаслик натижасида жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектга зарар келтиришда ёки уни зарарланиш ҳавфи остида қолдиришда ифодаланади.

2. Ҳозирги кунда жиноятлар ичида энг кўп тарқалгани **ўғирликдир**. Бу жиноятнинг ўсишига бозор иқтисодиети, нарх-наво, ишсизликнинг кўпайиши катта таъсир кўрсатмоқда. Кўпчилик жиноятлар мулк эгаларининг эътиборсизлиги оқибатида ҳам содир бўлмоқда.

Ўғирлик жиноятларининг кент тарқалиб бораётганини хисобга олиб, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қабул қилди. 1959 йил 21 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган Республика Жиноят кодексига 1993 йилнинг 7 майдаги қонуни билан қўйидагича қўшимчаларни киритиб, жазо чораларини кучайтирди:

— Ўғирлик, яъни ўзганинг мол-мулкни яширин равишда ўғирлаш — уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки икки йилгача муддатга ахлоқ тузатиш иши билан жазоланади.

— Тахоран ёки бир гуруҳ шахслар томонидан тил бириктириб содир этилган ўғирлик — мол-мулкни мусодара қилиб ёки қилмай уч йилдан етти йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

— Турар жойга ёки ўзга бинога кириб ўғирлик қилиш ёхуд кўп миқдордаги ўғирлик — мол-мулкни мусодара қилиб ёки қилмай ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

— Жуда кўп миқдордаги ўғирлик ёки алоҳида ҳавфли рецидивист ёхуд уюшган гуруҳ томонидан содир этилган ўғирлик — мол-мулкни мусодара этиб, ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

ШУКРКИ, ЯХШИЛАР КЎП

Бухоро вилоятидан бизга мактуб йўллаган Анвар Сайидовнинг хати бирмунча қайғули бўлса-да, уни ўқигач, озми-кўпми кўнглинг тўлиб таскин топасан. Бу дунёда яхши одамларнинг кўпчилиги ва улар қилаётган яхшиликларнинг эса янада кўпчилиги ҳақида ўйлаб қоласан.

Собиқ милиция ходими, марҳум Насим Сайидовнинг ўғли Анваржон ўз мактубида қуйидагиларни баён қилади:

“1990 йил. Ҳеч эсимдан чиқмайди ўша кун. Постда ўз хизмат бурчини ўтаётган дадамнинг ҳалок бўлганлиги тўғрисида машъум хабар келди. Биз дадажонимдан бир умрга айрилиб қолган эдик. Онам жўжабирдай беш бола билан қолди. Ҳаётимизда оғир кунлар бошланди. Билмадим, агар яхши одамлар бўлмаганда ҳолимиз не кечарди. Мен бу дунёда жуда кўп меҳр-шафқатли кишилар борлигига амин бўлдим. Бизнинг оиламизга кўп яхшилик қилган кишилардан бири дадамнинг касбдоши — милиция капитани Қурбонбой ака Исмоиловдир.

Уша оғир кунларда ҳолимиздан хабар олиб турган, бизга кўп яхшиликлар қилиб, ёлғизлатиб қўймаган Қурбонбой акадан умрбод миннатдорман”.

Ҳа, бу дунё фақатгина ёмонлару ёвузликлардан иборат бўлмасдан, балки эзгуликка ҳам тўлайди.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, оқиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳрират фикрига мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтариб берилмайди.

Газета ИВМ компютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 658, 33.029 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ЯХШИЛАР НОМИ ЎЧМАЙДИ

МАКТАБГА МИЛИЦИЯ ХОДИМИНИНГ НОМИ БЕРИЛДИ

Яқинда Чирокчи туманидаги “Чиял” давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган 100-ўрта мактабда шу билан масканига хизмат вазифасини бажариб турган пайтда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ажойиб инсон, милиция майори Иброҳим Қиличевнинг номи кўйишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирда туман ҳокимияти раҳбарлари, марҳумнинг ёру дўстлари, у билан бирга ишлаган милиция ходимлари қатнашди. Туман ҳокими Р. Норбўтаев марҳумнинг ажойиб инсоний фазилатлари ҳақида сўзлаб, халқ ўзининг ажойиб фарзандларини ҳеч қачон унутмаслигини таъкидлади. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг

ўринбосари, милиция подполковниги Шавкат Каримов, Чирокчи тумани ички ишлар бўлимининг бошлиғи Сиддиқ Хонкелдиев, мактаб директори Равшан Махмудовлар сўзга чиқишиб, марҳум хотирасини абадийлаштиришга бош-қош бўлган барча кишиларга миннатдорчилик билдирди. Мактаб ўқувчиларини И. Қиличев номига муносиб бўлишга, унинг жасоратли умридан ибрат

олишга ва аъло ўқишга чорладилар. Сўнгра туман ички ишлар бўлими мактабни оталиққа олганлигини маълум қилиб, бундан кейин мунтазам алоқада бўлиш тўғрисидаги қарорни ўқиб эшиттирди. Маросим охирида марҳум руҳига бағишлаб Қуръони карим оятларидан тиловат қилинди.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ,
100-мактаб ўқитувчиси.



газеталарига обуна бўлишга улгурдингизми? Йўқса, шошилинг, вақтингиз оз қолди. Чунки обуна муддати 1 декабрда тугайди. Эсингизда бўлсин, “Постда” — “На посту” газеталарининг обуна баҳоси

бир йилга: 4680 сўм,

олти ойга: 2340 сўм,

уч ойга: 1170 сўм.

Навр рақамлари: 64615 ва 64616.



ҚИДИРИЛМОҚДА

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар ИИБ ва қариндошлари томонидан 1981 йилда туғилган, Қарши шаҳар, Кат маҳалласидаги Аваз Ўтар кўчаси, 19-уйда яшайдиган **Шерали Тоштемуrowич Жабборов** қидирилмоқда. У шу йилнинг 9 ноябрь куни уйдан чиқиб кетганича қайтмаган.

Белгилари: 6-синф ўқувчиси, бўйи 120-130 см. атрофида, сочи, кўзалари қора, қорачадан келган.

Кийими: эндида қизғиш чорхона кўйлак, кўк рангли шим, оёғида ок кроссовка бўлган.

Шералининг кейинги тақдирдан огоҳ бўлганлардан бу ҳақда энг яқин милиция бўлимларига хабар беришларини сўраймиз.



1989 йилда Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги 111-мактаб-интернат томонидан **Ғофур Маҳмадович Қаршибоев** номига берилган ўрта мактабни битирганлиги тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли;

1976 йилда Тошкент Давлат Тиббиёт институти томонидан **Абдураҳмон Номозбоев** номига берилган Г II 264092 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Жалолиддин НАЗИРОВ



Эндигина 24 ёшга кирган, ҳаётида ҳали орзуларидан деярли кўпи ушалмаган сафдошимиз, милиция катта сержанти **Жалолиддин Обидович Назиров** ўз хизмат вазифасини ўтаётган пайтда ҳалок бўлди.

Жалолиддин Тошкент халқ хўжалиги институтида таҳсил олиш билан бирга ички ишлар идораларида хизмат қилишга бел боғлади. Хизматини Ўрта Чирчик тумани ИИБ жиноят-қидирув бўлимида кичик тезкор вакил вазифасида бошлаган эди. Қисқа давр ичида у ўз касбининг моҳир устаси сифатида танилди. Устозларидан жиноятчиликка қарши кураш сирларини кўп билан пухта ўрганди. 1993 йилнинг апрель ойида вилоят ИИБ жиноят-қидирув хизматидаги энг оғир участкалардан бири — уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлимига тезкор вакил қилиб тайинланди.

Жалолиддиннинг ҳалол хизмати раҳбарият томонидан бир неча бор тақдирланган.

Куни кеча ҳам у ҳамкасблари билан бирга оғир жиноят содир этиб, қочиб юрган жиноятчини қўлга олиш тадбирига отланган эди. У ёқдан эса унинг жонсиз тани қайтди... Жалолиддиннинг уч ҳамкасблари ҳам оғир тан жароҳатлари билан касалхонага ётқизилди.

Биз Ж. Назировнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига ҳамдардлик билдирамиз ва сабр-бардош тилаймиз.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ИИБ
РАҲБАРΙΑТИ ВА ШАХСИЙ
ТАРКИБИ.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Хўжалик бошқармаси раҳбарияти ва
шахсий таркиби автохўжалик ходи-
ми, милиция катта сержанти

Пардавой
РАҲМОНҚУЛОВНИНГ

фожиали ҳалок бўлганлиги му-
носабати билан марҳумнинг оила
аъзоларига, ёру биродарларига
чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Мухаррир ўринбосари
Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.